

Г.И. Салгараева
Ж.Б. Базаева
А.С. Маханова

*Қозғоғистон Республикаси
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

ИНФОРМАТИКА

Умумтаълим мактабларининг
табiiй-математик йўналишидаги
11-синфи учун дарслик

11



2020



УДК 373.167.1
ББК32.923.2 я 72
С 18

Салгараева Г.И., ва б.

С 18 **Информатика**: Умумтаълим мактабларининг табиий-математик йўналишидаги 11-синфи учун дарслик / Г.И. Салгараева, Ж.Б. Базаева, А.С. Маханова. – Алматы: «Арман-ПВ» – «Жазушы», 2020. – 272 бет.

ISBN 978-601-200-718-3

«Информатика» дарслиги умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синфлари учун «Информатика» фанидан намунавий ўқув дастурига мувофиқ янгиланган таркиб бўйича ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган. Дарслик материаллари тушунарли тилда келтирилган бўлиб, мундарижа, қўшимча маълумотларни ўз ичига олади.

УДК 373.167.1
ББК 32.923.2 я 72

© Салгараева Г.И.,
Базаева Ж.Б.,
Маханова А.С., 2020

ISBN 978-601-200-718-3

© «Арман-ПВ» баспасы, 2020

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган. Нашриётнинг рухсатсиз нусха кўчириш мумкин эмас.
Ўзбек тилига «Жазушы» bosmaxonasiда таржима қилинди, 2020

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

Мавзунини ўзлаштириш учун топшириқлар-функционал саводхонликни шакллантириш вазифалари

Саволларга жавоб берамиз

Дафтарда бажарамиз

Ўйланамиз ва муҳокама қиламиз

Компьютерда бажарамиз

Таҳлил қиламиз ва таққослаймиз

Фикрларни баҳам қўрамиз

Эсга солинглар:

Ўтилган материал бўйича саволлар янги мавзунини ўрганишга қаратилган

Ўзлаштириладиган билим:

Материал ўзлаштиришда кутилаётган натижалар; ўқув мақсадлари

Луғат:

Илмий атамалар уч тилда

Атамалар

Қизиқарли ахборат!

Мавзуга оид қўшимча маълумотлар

Кириш сўзи

Азиз дўстлар!

Ушбу ўқув йилида сиз информатика курсини ўрганишни давом эттирасиз. Дарслик «Сунъий интеллект», «3D моделлаштириш», «Аппарат таъминоти», «Буюмлар интернетети», «IT Startup» ва «Рақамли саводхонлик» бўлимларидан иборат.

«Сунъий интеллект» бўлимида сиз машинасозлик, нейрон тармоқлари тамойиллари билан танишасиз, саноат, таълим, ўйин соҳаларида, жамиятда сунъий интеллектни қўлланилишини тасвирлашни ўрганасиз.

«3D моделлаштириш» бўлимида сиз виртуал ва кенгайтирилган воқеликнинг мақсадини тушунтиришингиз, виртуал ва кенгайтирилган воқеликнинг инсоннинг ақлий ва жисмоний соғлигига таъсири ҳақида фикр юритишингиз ва биринчи шахс тарафидан 3D панорама яратишини ўрганасиз.

«Аппаратли таъминот» бўлимини ўрганиш жараёни сиз виртуал машиналарнинг мақсадларини тавсифлаб берасиз, мобил қурилмаларнинг асосий таркибий қисмларини (планшетлар, телефонлар ва бошқалар), хусусиятларини таққослайсиз ва аппарат ҳамда дастурий таъминотнинг ривожлантириш моделларини тавсифловчи мисоллар келтирасиз.

«Нарсалар Интернетети» бўлими сизга нарсаларнинг Интернет тамойилларини тавсифлашга, унинг истиқболларини муҳокама қилишга, дўстона мобил иловалар интерфейсини конструкторда йиғишни ва ақлли уй қурилмасини бошқариш дастурини ишлаб чиқишни ўргатади.

«IT Startup» бўлимида Startup тушунчаси тасвирланган, Crowdfunding платформаларининг ишлаш тамойиллари, лойиҳани ривожлатириш ва сотиш усуллари, рекламанинг маркетинг усуллари билан танишасиз.

«Рақамли саводхонлик» бўлимида сиз Қозоғистондаги рақамлаштириш жараёнининг ҳозирги тенденцияларини таҳлил қилишингиз, Blockchain технологиясининг мақсади ва ишлаш тамойилини тушунтиришингиз мумкин.

Янги мавзунини осонлик билан ўзлаштириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим: «Саволларга жавоб берамиз», «Фикрлаймиз ва муҳокама қиламиз», «Таҳлил қиламиз ва таққослаймиз», «Дафтарда бажарамиз», «Фикрларни баҳам кўрамиз».

Дарсликда электрон илова (CD-диск) мавжуд бўлиб, унда сиз мустақил равишда билимларни такрорлашга қаратилган интерфаол топшириқларни бажаришингиз мумкин.

Умид қиламизки, сиз ушбу фанни қизиқиш билан ўрганиб оласиз ва олинган билимларингизни амалда ва кундалик ҳаётда фойдаланасиз.

Омад тилаймиз!

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

Кутиладиган натижалар:

- машинали ўрганиш, нейрон тармоқларини ўрганиш тамойилларини тушунтириш;
- сунъий интеллектни саноатда, таълимда, ўйин саноатида, жамиятда қўллаш соҳасини тавсифлаш;
- тайёр алгоритмга мувофиқ электрон жадвалларда/ математик моделлаштириш дастурларида нейрон тармоғини лойиҳалаш;
- сунъий интеллектни ривожлантиришда «ўқитувчи билан таълим» усулини қўллаш соҳаларини тавсифлаш.

1–2–§. Сунъий интеллект

Эсга солинглар:

- «сунъий интеллект» тушунчаси билан танишимсиз?

Ўзлаштириладиган билим:

- «нейрон», «нейрон тармоқлари», «синапс» тушунчалари тўғрисида;
- машинали ўқитиш тамойиллари ҳақида;
- нейрон тармоқларини қуриш бўйича.

Луғат:

Нейрон – Нейрон – Нейрон – Neuron

Синапс – Синапс – Синапс – Synapse

Нейрон тармоқлари – Нейронды желілер – Нейронные сети – Neural networks

Машинали ўқитиш – Машиналык оқыту – Машинное обучение – Machine learning

Сунъий интеллект нима?

Сунъий интеллект (СИ) – ақлли машиналар деганда анъанавий равишда инсоннинг имтиёзи ҳисобланган ижодий вазифаларни бажариш қобилияти тушунилади. Шунингдек, бу атама билан ақлли машиналарни яратиш фан ва технологияси тушунилади. Ушбу таърифни биринчи бўлиб 1956 йили америкалик олим Джоном Маккарти томонидан киритилган. «Artificial intelligence» сўз бирикмасидаги «intelligence» сўзи «манتيқий фикрлаши қобилияти» маънони англатади.

1950 йилда компьютер технологиялари соҳасидаги кашфиётлардан бири, инглиз олими Алан Тьюринг «**Машина ўйлай оладими?**» деб номланган мақолада, унда машина рационализация нуқтаи назаридан одам билан тенглашган пайтни аниқлаш мумкин бўлган процедурани тасвирлайди, ушбу процедура Тьюнинг тести номини олди.

Сунъий интеллект машиналарга инсоннинг интеллектуал хатти-ҳаракати ва фикр юритиш қобилиятини тақлид қиладиган имкониятни беради. Машиналар дастурий таъминот орқали бошқарилади, шунинг учун сунъий интеллект машиналарнинг ишлашини бошқарадиган ақлли дастурлар билан ўхшашдир.


Сунъий интеллект соҳасининг иши инсон миясининг хусусиятларини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ. Тадқиқотчилар миянинг тамойилларини тушуниш, сунъий интеллектни яратиш имкониятини оширади. Ўрганиш, ўйлаш ва қарор қабул қилиш жараёнида инсон миясида юз берадиган жараёнларни тақлид қилиб, бизлар ҳам шундай қила оладиган машинани ярата оламиз деб ҳисоблашади. Бундай машина, ўрганиш қобилиятига эга тизимларни яратиш учун платформа бўлиб

хизмат қилади. сунъий интеллект ёрдамида ақлли тизимларни яратиш ва машиналарни ижодий функцияларни қандай бажаришни тушуниш мумкин.

Машинали ўрганиш нима?


Машинали ўрганиш – бу сунъий интеллектнинг йўналишларидан бири. Машинали ўқитиш тизимлари катта маълумот тўпламларида ўқитиш жараёнида олинган билимларни амалда қўллашга имкон беради. Машинада ўқитиш одамларни юзини, нутқини ва объектларни ва ҳ.к. таниб олиш каби муаммоларни ҳал қилади. Машинали ўрганиш тизимга мустақил равишда шаблонларни аниқлаш ва таҳмин қилишга имкон беради. Сунъий интеллект ва нейрон тармоқлари мавзуси ҳозирги кунда жуда долзарб. Кўпчиликни нейрон тармоқларининг нима эканлиги, уларнинг қандай ишлаши ва ишлаш тамойиллари нимага асосланганлиги қизиқтиради.

Сунъий нейрон тармоғи (СНТ) – мураккаб маълумотларни таҳлил қилувчи, инсон миясини тақлид қиладиган, аппарат ва дастурий таъминотга эга бўлган математик модел. СНТ инсон миясининг синапслари тамойилини акс эттирадиган ўқув моделининг турига боғлиқ бўлиши мумкин. СНТ тугунлар (нейронлар) тармоғидан ва маълумотларни қайта ишлаш учун синапсларнинг аналогларидан иборат. Кириш маълумотлари тизим орқали ўтади ва чиқиш маълумотлари сифатида ҳосил бўлади (*1-схема*).



1-схема. СНТ модели

Биологик нейрон – бу махсус ҳужайра бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири бутун нейрон тармоғига электрохимиявий импульсни бошқа нейронлар билан уланиш орқали нерв тармоқлари бўйлаб юбориш (*1-расм*).



1-расм. Биологик нейрон

Синапс дегани нима?

Кўпчилик нейрон тармоқларни инсон миясининг аналоги сифатида қабул қилади. Бир томондан, бу фикрни тўғри деб ҳисоблаш мумкин, аммо бошқа томондан, инсон миясининг механизми жуда мураккаб ва уни машина ёрдамида қайта яратиш мумкин эмас.

Нейрон тармоғи – инсон миясининг тамойилларига асосланган дастур бўлиб, унинг вазифасини аналог амалга ошира олмайди.

Нейрон тармоғи уланган нейронлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири маълумотларни қабул қилади, ҳар бири маълумотга қайта ишлов беради ва кейинги нейронга узатади. Барча нейронлар бир хил сигналларни қайта ишлайди. Хўш, нима учун турли хил натижалар ҳосил бўлади? Ҳамма гап нейронларни бир-бирига боғлайдиган синапсларда. Бир нейрон сигнални кучайтиради ёки сусайтиради ва вақт ўтиши билан ўз хусусиятларини ўзгартириш қобилиятига эга бўлган кўплаб синапсларга эга бўлиши мумкин. Синапсларнинг тўғри созланган параметрлари чиқиш вақтида кириш маълумотларини ўзгартиришнинг керакли натижасини олиш имконини беради.

Нейрон тармоғи – бу синапслар билан ўзаро боғланган нейронларнинг маълум бир кетма-кетлиги.


Синапслар – бу нейронларнинг ўзаро боғлиқлиги. Уларнинг ҳар бири ўз вазн даражасига эга.

Нейрон тармоғининг тузилишига эга бўлган дастур, компьютерга маълум манбалардан кириш маълумотларини таҳлил қилиш ва олинган натижани ёдда сақлаш имконини беради.

Кириш маълумотлари узатиш пайтида синапсларнинг хусусиятларига қараб ўзгаради. Қайта ишлаш жараёнида синапс томонидан катта вазн кўрсаткичи билан узатиладиган маълумотлар устунлик қилади. Шундай қилиб ҳисоб-китоблар натижаси нейронларга эмас, балки синапсларга бевосита таъсир кўрсатади.

Нейрон тармоқларининг нима эканлигини аниқлаб, уларнинг асосий турларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Ҳар бир тармоқ нейронларининг биринчи қатламга эга, бу қатлам кириш деб аталади. У ҳеч қандай ҳисоб-китобларни ва ўзгаришларни амалга оширмайди, унинг вазифаси кириш сигналларини қабул қилиш ва қолган нейронларга етказиб бериш. Бу барча нейрон тармоқларининг типлари учун умумий бўлган қатлам, уларнинг кейинги тузилиши асосий бўлиниш мезонидир.

Бир қатламли нейрон тармоқлари. Бундай структурали нейрон тармоғида, кириш маълумотлари биринчи қатламга тушгандан сўнг, дарҳол натижа якуний натижанинг қатламига узатилади. Бундай ҳолда, биринчи кириш қатлами ҳисобланмайди, чунки у юқорида айтиб ўтилганидек, қабул қилиш ва тарқатишдан бошқа ҳаракатларни амалга оширмайди. Иккинчи қатлам барча керакли ҳисоб-китобларни амалга оширади, ишлов беради ва якуний натижани беради. Кириш нейронлари асосий қатлам билан ҳар хил оғирликдаги синапслар орқали бирлаштирилади, бу уланиш сифатини таъминлайди (2-схема).




2-схема. Бир қатламли нейрон тармоғи

Кўп қатламли нейрон тармоқлари – кириш, чиқиш ва улар орасида жойлашга бир ёки бир нечта нейронларнинг яширин қатламларидан иборат нейрон тармоқ.

Кириш ва чиқиш қатламларидан ташқари, ушбу нейрон тармоқлари оралиқ, яширин қатламларни ўз ичига олади.


Бундай тармоқлар бир қатламли нейрон тармоқларига қараганда анча катта имкониятларга эга, аммо яширин қатламли нейронларни ўқитиш усуллари нисбатан яқинда ишлаб чиқилган. Нейронларнинг яширин қатламларининг ишлашини йирик заводларнинг иши билан таққослаш мумкин. Заводдаги маҳсулот (чиқиш сигнали) станокларда босқичма-босқич йиғилади. Ҳар бир станокдан кейин оралиқ натижа ҳосил бўлади. Яширин қатламлар, шунингдек, кириш сигналларини баъзи оралиқ натижаларга ўзгартиради (3-схема).




3-схема. Кўпқаватли нейрон тармоқ

Синапсларда бир нейрондан иккинчисига маълумотларнинг тарқалиш йўналишига қараб, бундай тармоқларни икки тоифага бўлиш мумкин.

Тўғридан-тўғри тарқатиш тармоқлари ёки бир йўналишли, яъни сигнал кириш сатҳидан чиқиш томон қатъий ҳаракатланадиган тизимлар. Қарама-қарши йўналишда сигнал ҳаракат қилиши мумкин эмас. Бундай лойиҳалар жуда кенг тарқалган ва ҳозирги пайтда тан олиш, таҳминлаш ёки кластерлаш каби муаммоларни муваффақиятли ҳал қилишмоқда (4-5-схемалар).




4-схема. Бир қаватли бевосита узатиш тармоғи



5-схема. Кўп қаватли бевосита узатиш тармоғи

Қайта алоқа тармоқлари ёки рекурент алоқа тармоқлари. Сигналнинг нафақат олдинга, балки тескари йўналишда ҳам ҳаракатланишга имкон беради. Бу нима беради? Бундай тармоқларда чиқиш киришга қайтиши мумкин. Бунга асосланиб, нейроннинг чиқиши унинг оғирлиги ва кириш сигналлари билан аниқланади ва қайтиб киришга қайтган нейронлар билан тўлдирилади. Бундай тармоқлар қисқа муддатли хотира функцияси билан тавсифланади, унинг асосида қайта ишлаш жараёнида сигналлар тикланади ва тўлдирилади (6-схема).



6-схема. Қайта алоқали ёки рекурент алоқали нейрон тармоқ

Ташкил этувчи нейронларнинг турларига кўра тармоқларни **бир турли** ва **гибрид** турларига бўлиш мумкин.

Машина ёрдамида ўқитишнинг аксарияти **ўқитувчи билан** (*supervised learning*) ва **ўқитувчисиз** (*unsupervised learning*) таълимга бўлиш мумкин.

Инсоннинг маълумотларни қайта ишлаш жараёнига аралашши, ўқитувчи билан ўқитишдир. Ўқитувчи билан ўқитиш жараёнида бизда бор бўлган маълумотларга асосланиб, ниманидир башорат қилишимиз ёки фараз қилишимиз мумкин. Масалан, баъзи аломатларга кўра (йўтал, иситма, ҳолсизлик) бирон бир касалликни тахмин қилишимиз керак (тумов ёки шамоллаш).

Ўқитувчисиз ўқитишда эса, киритилган маълумотларнинг умумий хусусиятларига кўра уларни гуруҳларга ажратиш мумкин, масалан, одамнинг бўйи ва вазни ҳақидаги маълумотларга асосланиб, унинг кийимининг ҳажмини аниқлаш мумкин. Машина ёрдамида ўқитиш технологиясини муваффақиятли ўзлаштириш учун математик таҳлил, чизиқли

алгебра ва оптималлаштириш усуллари каби соҳаларда билимларни чуқурлаштириш керак. Бундан ташқари дастурлаш асослари ва қандайдир бир дастурлаш тилини билишингиз керак. Машинада ёрдамида ўқитишда одатда R, Python ёки Matlab дастурлаш тилларидан фойдаланилади.

Саволларга жавоб берамиз

1. «Сунъий интеллект» термини нимани англатади?
2. «intelligence» сўзи «artificial intelligence» сўз бирикмасида нимани англатади?
3. Машина ёрдамида ўқитиш нима?
4. Сунъий нейрон тармоқлар қандай вазифани бажаради?
5. Нейронларнинг турига кўра тармоқлар қандай турларга бўлинади?
6. Бир хил йўналган ва рекурент тармоқларнинг фарқи нимада?
7. Ўқитувчи билан ўқитиш нима?

Ўйланамиз ва муҳокама қиламиз

1. Машинали ўқитишнинг асосий ғояси нимадан иборат?
2. Нима учун нейрон тармоқларнинг тузилиши одам миясининг тузилишига ўхшаш?
3. Нима учун нейронларнинг вазифаси уларнинг турига боғлиқ?

Таҳлил қиламиз ва таққослаймиз

Бир хил йўналган ва рекурент нейрон тармоқлари ҳақида қўшимча ахборотлардан маълумотлар топиб уларнинг вазифасини таҳлил қилинг. Уларнинг ишлаш тамойилларини таққосланг.

Дафтарда бажарамиз

Нейрон тармоқ турларининг схемасини яратинг. Схема орқали нейрон тармоқларнинг ишини тушунтиринг.

Компьютерда бажарамиз

Дарсликда келтирилган матнга асосланиб, ихтиёрий график муҳарририда, нейроннинг ҳар бир турининг ишлашини схемада тасвирланг. Жадвални тўлдиринг.

Нейрон тармоқларининг турлари	Вазифаси	Схема
Бир қаватли нейрон тармоқлар		
Кўп қаватли нейрон тармоқлар		
Тўғри йўналган тармоқлар, ёки бир томонга йўналган тармоқлар		
Қайта алоқали ёки рекуррент тармоқлар		

Фикрларни баҳам кўрамиз

Нейрон тармоқларининг тузилиши инсон миёсига ўхшашлигини кўрсатадиган ҳаётий мисоллар келтиринг. Сизнингча, келажакда хизмат кўрсатиш соҳасидаги барча касб вакиллари (жамоат транспорт ҳайдовчилари, йўриқчилар (гидлар), аҳолига хизмат кўрсатиш ходимлари ва бошқалар) бутунлай роботлар билан алмаштирилиши мумкинми?

3–4–§. Содда нейрон моделини яратиш. Амалиёт

Иккита чиқиш ва бир киришга эга бўлган оддий нейрон моделини яратиш.


Озиқ-овқат истеъмол қилиш ёки қилмаслик ҳақида қарор қабул қиладиган нейрон учун сценарий яратайлик.

1-кириш (input 1) – альбедро (albedo sensor) датчигига қўшилган (қандайдир бир сиртнинг акс эттириш кўрсаткичи), агар альбедро оқ бўлса, 1 фаол қиймат, акс холда қора бўлса 0 қийматни беради.

2-кириш (input 2) – ширинлик датчигига қўшилган (sweetness sensor), агар объект ширин ҳидга эга бўлса, 1 қиймат қайтаради, ва ширин ҳидга эга бўлмаса 0 қиймат қайтаради.


Чиқиш сигнали (output) озиқ-овқат истеъмол қилиш ёки қилмаслик учун ҳаракатли буйруқни (motor command) англа-тади ва мос равишда 1 ёки 0 қийматларини олади.

Расмларда биологик нейронни сунъий нейрон сифатида қандай амалга ошириш мумкинлиги кўрсатилган.



Датчиклар нейрон билан синапс орқали боғланган. Сунъий нейронларда синапсларни одатда тарози деб аташади, чунки улар постсинаптик нейроннинг фаоллигига қўшадиган ҳиссаси қанчалик «оғир» эканлигини аниқлайдилар.

Сунъий нейроннинг тарози **иккита тўғри чизик** билан кўрсатилган. Расмда **w1** ва **w2** деб атаймиз. Икки оғирлик моделни ясаганда уларни сонлар билан



алмаштираемиз. Қанчалик синапс кучли бўлса, шунчалик сон катта бўлади. Хужайрани фаоллаштириш учун барча ўлчанган вазн қийматларни қўшамиз ва қуйидаги тангламани ҳосил қиламиз:


$$\text{фаоллаштириш} = (\text{input1} * w1) + (\text{input2} * w2)$$

Нейроннинг чиқиши ҳамма нарса ёки ҳеч нарса эмас, уни 1 ёки 0 шаклида ифодалашимиз мумкин. Агар фаоллаштириш биз ўрнатган маълум бир чегарадан ошиб кетган бўлса (масалан 2), нейрон чиқиши 1 ни ташкил қилади, акс ҳолда 0 чиқади.

Бизда иккита кириш қисми бор, бу эса бизга чиқишда тўртта иккилик комбинацияларни беради: (0 0), (0 1), (1 0), (1 1).

Бу эса бизнинг нейрон максимум тўртта ҳар хил озиқ-овқатни таниши мумкинлигини кўрсатади.

Альбедро ва ширинликлар чекловларига мос келадиган тўртта маҳсулотни танлаймиз.



	Альбедро	Ширинликлар	Истеъмол қилайми?
Ҳеч нарса	0	0	
Шоколад	0	1	
Туз	1	0	
Музқаймоқ	1	1	

Excel дастурида амалга ошириш

А босқич


1. Excel жадвалига қуйидаги қийматларни киритинг (2-расм).

	A	B	C	D
1	Кириш			
2	Вазн	0,4		0,6
3	Фаоллаштириш		0	
4	Чегара		1	
5	Чиқиш		0	

2-расм. Қийматларни Excel дастурига киритиш

2. Кириш катакчалари бўшлигига эътибор беринг (**B1** ва **D1**).
3. Ихтиёрий тарозини оламиз. Чегара ҳам ихтиёрий танланган. Ҳозирча 1 деб оламиз.
4. Кейинги қадамда киришдаги вазнларни қўшиб, фаоллаштиришни ҳисоблаймиз. Фаоллаштириш **C3** катакчада ҳисобланади. Бунинг учун **C3** катакчага қуйидаги формулани киритамиз:

$$= B1 * B2 + D1 * D2.$$
5. **C5** катакчага **Формула** сатридаги мантиқий функцияларни танланг.
6. Фаоллаштириш **C3** катакчада бўлиб, чегара **C4** да бўлгани учун, формула қуйидаги кўринишга эга бўлади **C3 > = C4**. Нейрон ишлаши учун **Значение_если_истина** сатрига **1** ва **Значение_если_ложь** сатрига **0** киритинг. **OK** тугмачасини босинг (*3-расм*).



3-расм. Мантиқий функция ойнаси

7. Кириш қийматларини қўлда киритинг. Кириш қийматларини иккита **B1** ва **D1** катакчаларига ёзинг ва кузатинг, нейрон ишлайдими ёки йўқми, яъни чиқиш катакчаси **C5** да 1 ёки 0 чиқадими.
8. Синовлар натижасида нейрон бошқа маҳсулот эмас, балки фақат музқаймоқ истеъмол қилиши керак (чиқиши 1 га тенг бўлиши керак). Мустақил текшириб кўринг.

В босқич

1. Нейронга «Ҳеч нарса»ни кўрсатинг, бунинг учун мос **V1** ва **D1** катакчаларга **0** киритинг. Нейрон нима чиқаряпти?
2. Нейронга «Шоколад»ни кўрсатинг, бунинг учун мос **V1** ва **D1** катакчаларга **0** ва **1** ни киритинг. Нейрон қандай натижа кўрсатяпти?
3. Нейронга «Туз»ни кўрсатинг, бунинг учун мос **V1** ва **D1** катакчаларга **1** ва **0** ни киритинг. Нейрон қандай натижа кўрсатяпти?
4. Нейронга «Музқаймоқ»ни кўрсатинг, бунинг учун мос **V1** ва **D1** катакчаларга **1** ва **1** ни киритинг. Нейрон қандай натижа кўрсатяпти? Бу ерда **1** нейрон «истеъмол қилиш» тўғрисида қарор қабул қилиши керак бўлган ягона маҳсулотдир.

С босқич

Маҳсулот турларини, вазн ва чегара қийматларини ўзгартиринг, қайта текшириб кўринг. Нейрон қайси маҳсулотларга реакция кўрсатиб, қайсиларига кўрсатмайди?

5–6–§. Сунъий интеллектни қўлланиш соҳалари

Эсга солинлар:

- «нейрон», «нейрон тармоқлари»;
- «синапс» деган нима?
- машинада ўқитиш ҳақида нималар биласиз?
- нейрон тармоқларининг тузилиши ҳақида нима биласиз?

Луғат:

Интеллект – Интеллект – Интеллект – *Intelligence*

Дендрит – Дендрит – Дендрит – *Dendrite*
Фойдаланиш – Қолдану – *Использовать*
– *Use*

Ўйин саноати – Ойын индустриясы – *Игровая индустрия* – *Game industry*

Ўзлаштириладиган билим:

- сунъий интеллектнинг қўлланиш соҳалари ҳақида;
- сунъий интеллектдан тиббиётда, саноатда, таълимда, ўйин саноатида, жамиятда фойдаланиш тўғрисида.

Сунъий интеллект замонавий жамиятимизда жуда кўп соҳаларда қўлланилади. Биз энг машҳурларини кўриб чиқайлик.

Сунъий интеллект йўналиши:

- фикрлаш жараёнларини рамзий

моделлаштириш (теоремаларни исботлаш, қарорларни қабул қилиш ва ўйин назарияси, режалаштириш, башорат қилиш);

- табиий тиллар билан ишлаш (маълумот излаш, матнда қидириш, машинада таржима қилиш);
- билимларни тақдим этиш ва улардан фойдаланиш (эксперт тизимларини яратиш);
- машинада ўқитиш (белгиларни, қўлёзмани, нутқ ва матн та-ниш);
- сунъий интеллектни (нейрон тармоқларини) биологик мо-деллаштириш;
- робототехника (объектни бошқариш, жойлашишини аниқ-лаш, ҳаракатни режалаштириш);
- машинасозлик (кино ва ўйин саноатида кенг қўлланилади-ган ҳақиқий тасвирларни яратиш);
- тадқиқотнинг бошқа (компьютер ўйинларида интеллектни дастурлаш, чизиқли бўлмаган бошқариш, ақлли ҳавфсизлик тизимлари).

Интеллектуал тизимлар таснифи (7-схема):

Сунъий интеллект инсон нейронларининг математик моде-лига асосланган.

Нерв ҳужайраси аксонлар ва дендритлардан иборат. **Аксон** – асаб толаси бўлиб, нейроннинг узун, чўзилган қисми. Агар



сунъий нейрон тармоқлари



ҳисоб-мантиқ тизимлари



генетик алгоритмли тизимлар




RTS

ҳақиқий вақт режимида эксперт тизимлар



кўп агентли тизимлар



бошқаришнинг интеллектуал тизимлари



табиий тил тизимлари



эксперт тизимлар

7-схема. Интеллектуал тизимлар таснифи

нейрон маълум бир қўзғалиш чегарасидан ўтиб кетган бўлса, яъни унга маълум бир қийматдан катта кучланиш қўлланилса у фаоллашади. Натижада, кейинги нейронга узатиладиган сигнал пайдо бўлади.

Дендритлар – бу маълумотларнинг кириш портидир. Айтайлик, сиз видеони томоша қиляпсиз. Ахборот бир нейронга киради, қайта ишланади ва аксон қўзғалиш чегарасини енгиб чиққан бўлса, иккинчисига ўтилади. Бу тушунишни енгиллаштириш учун жуда соддалаштирилган модел.

Нейрон тармоғи – бу маълум шартлар асосида тўғри қарор қабул қилишга имкон берадиган модел.

Сунъий интеллектнинг қўлланиш соҳалари

Сунъий интеллектни қўлланиш доираси жуда кенг, уни инсон ишлата олиши мумкин бўлган ихтиёрий соҳада фойдаланиш мумкин.

Тиббиётда. Ушбу соҳада сунъий интеллектнинг афзаллиги жуда катта миқдордаги маълумотларни ёддан билиши ва қайта ишлаш қобилиятидир, бунинг натижасида нафақат шифокорларга тавсиялар берадиган иловалар пайдо бўлади, балки эрта босқичда аломатлари ҳали ўзини намоён қилмаганида касалликларни аниқлашга имкон берадиган дастурлар пайдо бўлади.

Саноат ва қишлоқ хўжалигида. Ушбу соҳаларда сунъий интеллект шунчалик ривожланадики, бунда инсон фаолияти фақат автоматлаштирилган жараёнларни бошқаришдан иборат бўлади. Шундай қилиб, 2023 йилда LG Жанубий Кореяда ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари хом ашё сотиб олишдан тортиб, тайёр маҳсулотни туширишгача бўлган ишларни сунъий интеллект ёрдамида амалга оширадиган завод очишни режалаштирмоқда. Сифат назорати ҳам тегишли дастурлар ёрдамида амалга оширилади. Заводларнинг ушбу технологияларга қисман ўтиши 2021 йилда амалга оширила бошланади. Қишлоқ хўжалигида сунъий интеллект ўсимликлар ҳолатини, намлик даражасини ва тупроқдаги озукавий моддалар миқдорини кузатиб боради. Бундан ташқари, сунъий интеллект томонидан бошқариладиган автоматлаштирилган тизим бегона ўтларни аниқлаш ва уларни олиб ташлашга қодир.

Жамиятда. Йўлларда машиналарнинг тирбандлигини олдини олиш учун аллақачон сунъий интеллектдан фойдаланилмоқда. Бунинг учун у ҳақиқий вақт режимида светофордан маълумот тўплайди, автомобиллар орасидаги масофа ва бахтсиз ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади ва улардан йўл ҳаракатини яхшилаш учун фойдаланади. Шунга ўхшаш тизимлар кўп мамлакатларда аллақачон амалга оширилган. Автопилотли машиналар ушбу соҳанинг ривожланиб келаётган яна бир йўналиши.

Ақлли уй. Сунъий интеллектдан аллақачон кундалик ҳаётда фойдаланилмоқда. Масалан, у эрталаб сизни уйғотиши ёки қуёш нури хонага кириши учун пардани очиши мумкин. Уйфонганингизда нонушта тайёр бўлади. Яқин келажакда, музлатгичнинг ўзи овқатга қандай буюртма беришни ўрганади ва сиз

эшикни ёпиб, ишга кетишингиз билан сигнализация ёқади. Шунингдек, яқин келажакда ҳароратни одамга мослаштирадиган ақлли батареяларнинг қулайлигини ҳис қилиш мумкин бўлади.

Таълимда. Ушбу соҳадаги сунъий интеллект шу қадар ривожланганки, у кўпинча ўз функцияларини одамлардан қолишмай бажаради. Таълимда сунъий интеллектни қўллашнинг энг истиқболли йўналишлардан бири бу адаптив таълимдир. Таҳмин қилинишича, сунъий интеллект ҳар бир талабанинг ютуқларини кузатиб боради ёки унинг қобилиятига кўра кўрсатиладиган дарсларнинг тартибини тўғрилайди ўқитувчига қайси материал тўлиқ ва қайси бири тўлиқ эмас ўзлаштирилгани ҳақида хабар беради.

Замонавий юқори технологияли таълимнинг локомотиви бўлган масофадан туриб ўқитиш, масофавий имтиҳон билан яқунланиши керак. Ўқувчи алдамаганига ишонч ҳосил қилиш учун имтиҳонни қандай ўтказиш керак? Бу ерда прокторинг тизимлари ёрдамга келади – ўқувчиларни назорат иши ёзишини ва имтиҳон топширишини кузатиб боради. Дастур бир вақтнинг ўзида имтиҳон топшираётган бир нечта одамларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиши мумкин: кадрда бегона одам, қўшимча овозлар бор ёки йўқлиги, ўқувчининг монитордан қанчалик тез-тез юз ўгираётганлигини, браузернинг ёрлиқларини ўзгартиришга уринишларини. Ушбу ҳаракатларнинг барчаси қоида бузарлик сифатида қайд этилади. Махсус ҳолатларда, тизим кузатувчи шахсга у ёки бу имтиҳон топширувчига эътибор бериш кераклиги ҳақида сигнал беради. Шундагина веб-камера орқали ўқувчи кузатила бошланади.

Таълимда сунъий интеллектдан фойдаланиш кўлами бу икки йўналиш билан чекланиб қолмаган. Масалан, ижодий топшириқларни ва иншоларни автоматик яратиш режалаштирилган. Прокторинг ва адаптив таълим йўналишлари, замонавий одамга тушунарли ва кўпроқ ривожланган. Сунъий интеллектдан фойдаланиш учун ғоялар кўп.


Ўйин саноатида. Ҳақиқий ҳаётга ўхшатиш мақсадида ҳар хил ўйинларда турли хил сунъий интеллект тизимларини қўллашади. Ўйин саноатида сунъий интеллект кўнгил очар эмас, бошқарувчидир. У турли хил вазифаларни бажара олади: асосий объектларнинг хатти-ҳаракатлари учун жавобгар бўлган умумий қоидалар тўпламини қайта ишлашдан тортиб, қаҳрамонларни бошқаришгача.

Тизим ресурсларига қўйиладиган талаб тўғридан-тўғри сунъий интеллектнинг мақсади ва талабларига боғлиқ. Ривожланган тизим қанчалик мураккаб бўлса, сунъий интеллект ресурслари шунчалик кўп маълумотни қайта ишлашга сарфланади. Тушуниш учун энг оддий мисол – ўйин давомида ҳаракатларни ҳисоблаш учун сизга процессорнинг қуввати ва ишлаш вақти керак бўлади. Мураккаб ўйинларда атроф-муҳитни таҳлил қилиш, фойдаланувчи ҳаракатларини ёзиб олиш ва олдинги ютуқларни баҳолашга ёрдам берадиган турли хил воситалар керак бўлади.

Сунъий интеллектнинг энг содда шакли-бу қоидалар тўпламига асосланган ва сунъий интеллектнинг анъанавий тушунчасидан узоқ бўлган тизим. Ўйин объектининг ҳаракати ўйиннинг маълум омилларини ҳисобга оладиган олдиндан ўрнатилган алгоритмлар туфайли юзага келади.

Турли хил шакллар, содда қоидалар тўпламидан, адаптив ўзини-ўзи яхшилаётган оладиган тизимга ўтадиган сунъий интеллект туфайли ўйинлардаги кўплаб хатти-ҳаракатлар ва воқеалар юзага келади.

Сунъий интеллект соҳасидаги тадқиқотларнинг йўналишлари (8-схема)



8-схема. СИ соҳасидаги тадқиқотларнинг йўналиши

Роботлар бутунлай одамларнинг иш ўринларини эгаллай олади, деган фикр бор. Мутахассисларнинг фикрига кўра, сунъий интеллектнинг ривожланиши муқаррар равишда баъзи ходимларнинг қисқаришига олиб келади – улар роботлар ва автоматлаштирилган тизимлар билан алмаштирилади.

Сунъий интеллектнинг табиий интеллектдан фарқи

Сунъий интеллектнинг афзалликлари:

1. Катта ҳажмдаги маълумотларни дарҳол эслаб қолиши ва қайта ишлаш қобилияти. Инсон катта ҳажмдаги ахборотни эслаб қолиши учун уни кунига 3–4 марта такрорлаши ва

вақти-вақти билан хотирасида янгилаб туриши керак. Сунъий интеллект ичида жойлашган маълумотлар эса керак бўлгунича сақланиши мумкин.

2. Рақамли маълумотларни тезда қайта ишлаш қобилияти. Масалан, одам икки хонали рақамларни қўшгунича, сунъий интеллект иқтисодий вазиятни таҳлил қилиши ёки валютани сотиб олиш афзаллигини ҳисоблаши мумкин.

Сунъий интеллектнинг камчиликлари:

1. Сунъий интеллект ҳозир ахборотни тўлиқ, сифатли қайта ишлай олмайди. Ҳар қандай маълумот математик моделлар шаклида тақдим этилиши сабабли, бу камчилик маълум вақт ичида ҳал қилиниши мумкин.
2. Сунъий интеллект ҳали ҳам мукамал эмас ва нотўғри ишлаб қолиши мумкин, шунинг учун ҳар доим сунъий интеллект тизимини бошқарадиган одам керак.

Ҳаётимизда сунъий интеллект

Сунъий интеллект ҳозирги кунда ҳали ҳам ривожланмоқда, ва унинг барча имкониятлари одамларга очиқ эмас. Ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган сунъий интеллектнинг бир нечта намуналари мавжуд:

1. Турли хил билим олиш учун, ривожланиш учун ва кўнгилочар мобил иловалар.
2. Смартфонлардаги одамнинг юзини сканерлаб блокдан чиқарадиган имконини берадиган Face ID функцияси. Одамни ҳар томонлама расмга тушириб махсус ўзини-ўзи ўргатувчи алгоритмлар ёрдамида ноёб қолип ҳосил қилиб, одамни идентификация қилиш имконини беради.
3. Смартфонлардаги виртуал ёрдамчилар нутқни аниқлашдан тортиб, тайёр ечимларни топширишгача бўлган барча фаолият турлари учун сунъий интеллектдан фойдаланиладилар. Бундай имкониятлар йил сайин кўпайиб боради.

Сунъий интеллектнинг мавжуд бўлган афзалликларидан бири шундаки, унинг ёрдами билан одамлар ўзларининг ақлзаковатларини оширишлари мумкин.

Саволларга жавоб берамиз

1. Сунъий интеллект нима?
2. Инсоннинг мия ҳужайралари нимадан иборат?
3. Дендритнинг тузилиши қандай?
4. Аксонларнинг вазифалари нималардан иборат?

5. Сунъий интеллект қайси соҳаларда қўлланилади?
6. Таълим соҳасида сунъий интеллект қандай қўлланилади?
7. Ўйин саноатида сунъий интеллект қандай вазифаларни бажаради?
8. Сунъий интеллектни ривожланиш йўналишлари қандай?
9. Давлатимизда сунъий интеллект ишлатиладими?

Ўйланамиз ва муҳокама қиламиз

1. Сунъий интеллектни ривожлантириш учун юқори даражали технология йўналишлари қанчалик муҳим?
2. Нима учун сунъий интеллект одамнинг миясидан фарқ қилади?
3. Бир томондан сунъий интеллект инсоннинг ҳаётини энгиллаштиради, иккинчи томондан эса уни мураккаб-лаштиради деган гапни қандай тушунасиз?

Таҳлил қиламиз ва таққослаймиз


Сунъий интеллект ва инсон ақлининг камида 10 та фарқини айтинг. Масалан:





1. Фикрлаш қобилияти;
2. Жавоб бериш қобилияти;
3. Вазифаларни бажариш қобилияти;
- ...;
10. Дам олиш қобилияти.

Ҳар бир фарқини таҳлил қилинг ва иккала ҳолатда ҳам ушбу ҳаракатлар кетма-кетлигини таққосланг.

Дафтарда бажарамиз

Сунъий интеллектни турли соҳаларда қўллаш бўйича ҳаётий мисоллар келтиринг ва жадвалда унинг ишлаш алгоритмларини ёзинг.

Сунъий интеллект	Ҳаётдан мисоллар	Ишлаш алгоритми
Тиббиётда 		

Сунъий интеллект	Ҳаётдан мисоллар	Ишлаш алгоритми
<p>Саноатда</p> 		
<p>Жамиятда</p> 		
<p>Таълимда</p> 		
<p>Ўйин саноатида</p> 		

Компьютерда бажарамиз

Ихтиёрий матн муҳарририда «Сунъий интеллектни қўллаш соҳалари» мавзусида 250 сўздан иборат иншо тайёрланг. Иншода сунъий интеллектни саноат, таълим, ўйин саноати ва жамиятда қўллаш соҳалари батафсил баён қилиниши керак.

Фикрларни баҳам кўрамиз

Сизнингча, келажакда инсонлар, имкониятлари улардан бир неча марта устун бўлган машиналар билан рақобатлашишга мажбур бўлмайдими? Одам роботларга ишониши керакми? Ушбу глобал муаммони қандай ҳал қилиш мумкин? Бундай ҳолларда одам нима қилиши керак?

7–8–§. Амалиёт. Сунъий интеллектнинг қўлланиш соҳалари

Амалиёт давомида биз формулалар билан ишлаймиз. Формулада одатда ячейка манзиллари бўлади. Excel даги ячейка манзиллари **абсолют (мутлоқ)** ва **нисбий** қийматлар қабул қилишини биламиз. Шунингдек, аралаш манзиллар тури ҳам учрайди. Ушбу турдаги манзил иккита асосий манзилнинг хусусиятларига боғлиқ равишда қурилади.

Абсолют ячейка манзили – Excel иш дафтаридagi формулани ёки саҳифага ҳаволани узатишда ўзгармайдиган манзил тури. Бунинг учун маълум бир ҳужайранинг устуни ва қатори индексларидан олдин «\$» доллар белгиси қўйилган. Масалан: \$A\$1.

Нисбий ячейка манзили – Excel иш дафтаридagi формулани ёки жорий саҳифага ҳаволани узатишда манзил турини ўзгартириш мумкин. Масалан: A1.

Савдо прогнози

1. Прогнозни ҳисоблаш учун олдинги даврлар учун савдо маълумотлари керак. Маълумотлар қанчалик кўп бўлса, прогноз аниқроқ бўлади. Айтайлик, бизда 2018 йил январидан 2019 йил декабргача жадвал шаклида маълумотлар мавжуд (*4-расм*):

1	Сана	Сотилув, тенге
2	01.01.2018	567 690
3	01.02.2018	634 510
4	01.03.2018	530 200
5	01.04.2018	585 430
6	01.05.2018	596 960
7	01.06.2018	589 450
8	01.07.2018	606 050
9	01.08.2018	708 140
10	01.09.2018	578 220
11	01.10.2018	643 630
12	01.11.2018	662 070
13	01.12.2018	538 370

	A	B
14	01.01.2019	685 210
15	01.02.2019	637 790
16	01.03.2019	631 350
17	01.04.2019	631 130
18	01.05.2019	699 290
19	01.06.2019	683 220
20	01.07.2019	687 700
21	01.08.2019	710 640
22	01.09.2019	713 050
23	01.10.2019	703 600
24	01.11.2019	689 050
25	01.12.2019	710 180

4-расм. Жадвалдаги қийматлар

2. Биз 2020 йил январидан 2020 йил декабригача келгуси йил учун савдо прогнозини ҳисоблашимиз ва уни графикда акс эттиришимиз керак (*5-расм*).

	A	B	C	D	E	F	G
1	Сана	Сотилув, тенге	Прогноз	Оптимистик	Пессимистик	Мавсум коэффиценти	Чекланиш
2	01.01.2018	567 690				97,48%	33248,726
3	01.02.2018	634 510				98,99%	
4	01.03.2018	530 200				90,38%	
5	01.04.2018	585 430				94,66%	
6	01.05.2018	596 960				100,86%	
7	01.06.2018	589 450				99,02%	
8	01.07.2018	606 050				100,66%	
9	01.08.2018	708 140				110,39%	
10	01.09.2018	578 220				100,47%	
11	01.10.2018	643 630				104,82%	
12	01.11.2018	662 070				105,13%	
13	01.12.2018	538 370				97,14%	

5-расм. Савдо ҳисоби

3. Жадвал кўрсатилган тартибда 7 устундан иборат бўлиши керак: сана, сотилим, прогноз, оптимистик, пессимистик, мавсум коэффиценти, чекланиш.
4. Бевосита прогнозни ҳисоблаш учун сунъий интеллект функцияси сингари, Excelда **ПРЕДСКАЗ (FORECAST)**, махсус функцияси мавжуд бўлиб, у олдинги маълумотлар асосида белгиланган сана учун мумкин бўлган қийматларни прогноз қилади. Функция чизиқли регрессияга асосланган ва сотиш, маҳсулот истеъмоли ва бошқаларни тахмин қилиш учун мўлжалланган. Биз функцияни Прогноз устунига (C устун – Сотилим устунидан кейин жойлашган) C34 катакчасига ёзамиз ва прогноз қилинганларнинг барчасини – C27:C37: =ПРЕДСКАЗ (A26;B\$2:B\$25;\$A\$2:\$A\$25) катакчаларига кўчирамиз.
Функциянинг ўзи қуйидаги кириш маълумотларини талаб қилади:
 x – бу қийматни тахмин қилишингиз керак бўлган сана (A26);
 y – бу маълум бўлган қийматлари-мазкур саналар учун сотув ҳажми кўрсатилган жадвал катакчалари билан боғланиш (B\$2:B\$25); x маълум бўлган қийматлари эса, мазкур саналар учун сотилган сана билан жадвал катакчаларига боғланиш (\$A\$2:\$A\$25).
5. Ушбу функция сотиш учун муҳим омили бўлган мавсумийликни ҳисобга олмайди. Буни ҳисобга олиш учун ҳар ой учун мавсумийлик коэффицентини ҳисоблаш керак. Бунинг учун F2 катакчасига қуйидаги формулани қўшинг:

$=((\$B\$2:\$B\$13+\$B\$14:\$B\$25)/\text{СУММ}(\$B\$2:\$B\$25))*12$
 Керак катакчаларга боғланишни аниқлаганимиздан сўнг, учта тугмачани босиб, формулани киритишни тугатамиз: Ctrl+Shift+Enter. Натижада январ учун қуйидаги коэффициентни оламиз 0,974834224106574, февраль учун – 0,989928632237843 ва бошқалар. Катакларнинг форматини фоиз кўринишига ўтказинг (Формат ячеек ⇒ Сана ⇒ Процентлик), вергулдан кейин иккита сон бўлиши керак) (6-расм):

F	
Мавсум коэффициенти	
	97,48%
	98,99%
	90,38%
	94,66%
	100,86%
	99,02%
	100,66%
	110,39%
	100,47%
	104,82%
	105,13%
	97,14%

6-расм. Давр коэффициенти

6. Энди мавжуд бўлган функцияда прогнози ҳисоблаш учун ушбу коэффициентларнинг ҳисобини қўшамиз ПРЕДСКАЗ (C26:C37 катаклари):

$$= \text{ПРЕДСКАЗ}(\text{A}26; \$\text{B}\$2 : \$\text{B}\$25; \$\text{A}\$2 : \$\text{A}\$25) * \text{ИНДЕКС}(\$F\$2 : \$F\$13; \text{МЕСЯЦ}(\text{A}26))$$

Бунинг учун ИНДЕКС(INDEX) функцияси қўлланилади, унда биринчи

мавсумий омиллар (\$F\$2:\$F\$13) бўлган 12 катакка ҳавола кўрсатилган, иккинчиси – ҳар ой учун керакли коэффициентдан фойдаланиш учун ой рақами (бунинг учун биз МЕСЯЦ функциясида фойдаланамиз). 2020 йил январ ойи учун ушбу формулага ўхшаш бўлади:

$$= \text{ПРЕДСКАЗ}(\text{A}26; \$\text{B}\$2 : \$\text{B}\$25; \$\text{A}\$2 : \$\text{A}\$25) * \text{ИНДЕКС}(\$F\$2 : \$F\$13; \text{МЕСЯЦ}(\text{A}26))$$

7. Прогнознинг ўзи билан бир қаторда, оптимистик ва пессимистик прогнозлар деб номланадиган, йўл қўйиладиган юқори ва пастки чегараларни белгилаш керак. Бундай прогноз келажакдаги даврлар учун прогнози янада мослашувчан ҳисоблашга имкон беради. Бундай прогнозларни тузиш учун, тахмин қилинган қийматлардан рухсат этилган оғишни ҳисоблаш керак. Бунинг учун биз Excel да мавжуд функциялардан ҳам фойдаланамиз. G2 катакчасига формулани ёзинг: =ДОВЕРИТ(0,05;СТАНДОТКЛОН(C26:C37);СЧЁТ(С 26:С37)) ДОВЕРИТ() функцияси нормал тақсимот ёрдамида ишонч оралиғини қайтаради; станд_откл – стандарт чекланиши; размер – олинадиган маълумотлар миқдорини кўрсатувчи бутун сон;

СЧЁТ – белгиланган катаклардаги рақамлар сонини ҳисоблайди. Энди 26-қатордан бошлаб Оптимистик ва Пессимистик (D ва E) устунлар катакчаларига қуйидаги формулаларни ёзамиз (7-расм):

Оптимистик: $=\$C26+\$G\$2$

Пессимистик: $=\$C26-\$G\$2$

	A	B	C	D	E
26	01.01.2020		700 930	731 314	670 519
27	01.02.2020		717 937	748 348	687 526
28	01.03.2020		660 699	691 110	630 288
29	01.04.2020		697 873	728 284	667 462
30	01.05.2020		749 654	780 065	719 244
31	01.06.2020		742 173	772 584	711 762
32	01.07.2020		760 522	790 933	730 111
33	01.08.2020		840 882	871 293	810 472
34	01.09.2020		771 555	801 966	741 145
35	01.10.2020		811 299	841 710	780 888
36	01.11.2020		820 176	850 587	789 765
37	01.12.2020		763 757	794 168	733 346


7-расм. D ва E устун катакларини тўлдирилиши

Оптимистик прогноз қилиш учун прогноз миқдорини олиш ва унга ҳисобланган чекланиш суммасини қўшиш керак.

8. Қийматни B26 катакчадан C26, D26 ва E26 катакларига нусхалаш керак, шунда улар бир хил бўлади.

26	700 930	700 930	700 930	700 930
----	---------	---------	---------	---------

9. Энди барча маълумотларни (A1:E37) танлаб олиш учун сиз Вставка (Insert) ⇒ Диаграмма гуруҳида (Charts) ⇒ График (Line) га ўтишингиз керак. Натижада қуйидаги график ҳосил бўлади (8-расм):



8-расм. Диаграмма яратилиши

Графикда қийматлар ва прогнозлар аниқ кўрсатилган. Мовий ранг ҳақиқий сотувни, тўқ сариқ рангдаги прогнозни, кул ранг оптимистик прогнозни, сариқ ранг эса пессимистик прогноз кўрсатган.

9–10–§. Сунъий интеллектни лойиҳалаштириш

Эсга солинглар:

- сунъий интеллектдан фойдаланадиган қандай соҳаларни биласиз?
- сунъий интеллектни тиббиёт, саноат, таълим, ўйин соҳаларида қандай қўлланилади?

Ўзлаштириладиган билим:

- нейрон тармоқларининг ташкил қилиш тамойиллари ҳақида;
- нейрон тармоқларининг ишлаш тамойиллари ҳақида.

Луғат:

Кириш – Кіріс – Вход – *Input*

Чиқиш – Шығыс – Выход – *Output*

Вазн – Салмақ – Вес – *Weight*

Фаоллаштириш функцияси – Белсенділік функциясы – Активационная функция – *Activation function*

Нейрон тармоқларидан қаерда фойдаланилади?

Нейрон тармоқларидан турли муаммоларни ҳал қилиш учун фойдаланилади. Агар биз уларни мураккаблик даражаси бўйича кўриб чиқсак, уларнинг энг оддийларини ҳал қилиш учун оддий компьютер дастури мос келади. Оддий прогнозлашни ёки тенгламаларнинг тахминий ечимини талаб қиладиган мураккаброқ вазифаларни бажариш учун статистик усуллардан фойдаланадиган дастурлар керак. Янада мураккаб даражадаги вазифалар бошқача ёндашувни талаб қилади. Тасвирни аниқлаш, нутқ ёрдамида ёки аниқ башорат қилиш мураккаб даражадаги вазифаларга киради. Инсоннинг бошида бундай жараёнлар онгсиз равишда содир бўлади, яъни тасвирларни таниб олиш ва эслаб қолиш, инсон бу жараёнлар қандай содир бўлаётганлигини англамайди ва уларни назорат қила олмайди. Айнан шундай вазифаларни нейрон тармоқлари ҳал қилишга ёрдам беради, яъни алгоритмлар номаълум бўлган жараёнларни бажариш учун яратилади.

Нейрон тармоқлар қуйидаги соҳаларда кенг қўлланилади:

- таниш – ҳозирги вақтда нейрон тармоқларининг кенг қўлланиладиган соҳаси;
- кейинги босқични башорат қилиш – савдо ва фонд бозорида қўлланиладиган жараён;
- кириш маълумотларини параметрлар бўйича таснифлаш.

Бундай ишни турли хил параметрлар тўпламига таяниб, кишига қарз бериш тўғрисида қарор қабул қиладиган кредит роботлари амалга оширадилар.

Нейрон тармоқлари турли хил операцияларни бажариш қобилияти уларни жуда машхур қилади. Уларни кўп нарсаларни бажаришга ўргатиш мумкин, масалан, ўйин ўйнаш, маълум бир


овозни таниб олиш ва ҳ.к. Сунъий тармоқлар биологик тармоқлар принципи асосида қурилганлигига асосланиб, одам онгсиз равишда бажарадиган барча жараёнларда ўқиб ўргатиш мумкин.

Тармоқ уч хил нейронлардан иборат (9-схема):



9-схема. Нейронларнинг турлари

Агар нейрон тармоғи бир қатламли бўлса, унда яширин нейронлар мавжуд эмас. Тармоқларнинг таркибий бирликларининг турлари ҳам мавжуд: **нейрон силжиш** ва **нейрон контексти**. Ҳар қандай нейрон икки хил маълумотга эга: **кириш** ва **чиқиш**. Бундай ҳолда, биринчи қатламдаги кириш маълумотлари чиқишга тенг бўлади. Бошқа ҳолатларда, нейроннинг киритилиши олдинги қатламларнинг тўлиқ маълумотларини олади, кейин у меъёрга тушириш жараёнидан ўтади, яъни керакли диапазондан чиқиб кетган барча қийматлар фаоллаштириш функцияси билан ўзгартирилади (10-схема).



10-схема. Сунъий нейрон модели

Нейрон тармоғининг ишлаш тамойилини тасаввур қилиш учун махсус кўникмалар талаб қилинмайди (11-схема).



11-схема. Нейрон тизимининг ишлаш тамойили

1. Нейронларнинг кириш қатламига маълум маълумотлар келиб тушади.

2. Синапслар орқали у кейинги қатламга ўтказилади, бунда ҳар бир синапс ўз вазн коэффицентига эга ва ҳар бир кейинги нейрон бир неча кирувчи синапсга эга бўлиши мумкин.
3. Натижада, кейинги нейрон томонидан олинган маълумотлар ҳар бири ўз вазн коэффицентига кўпайтириладиган барча маълумотларнинг йиғиндисидир.
4. Олинган қиймат фаоллаштириш функциясига алмаштирилади.
5. Чиқиш маълумоти олинади.
6. Чиқиш маълумоти узатилиб борилади, токи якуний чиқишгача етиб боргунига қадар.

Тармоқларнинг биринчи ишга туширилиши тўғри натижаларни бермайди, чунки тармоқ ҳали мустаҳкамланмаган. Фаоллаштириш функцияси кириш маълумотларини нормализация қилиш учун ишлатилади. Бундай функциялар жуда кўп, аммо энг кенг тарқалган функциялар деб, бир неча асосий функцияларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Уларнинг асосий фарқи – фаолият кўрсатадиган қийматлар диапазони.

Шуни ёдда тутиш керакки, натижага эришиш учун нейрон тармоғини яратиш етарли эмас. Шунингдек, у махсус ёндашувни талаб қиладиган ва ўз алгоритмига эга бўлган ҳолда ўқитилиши керак. Ушбу жараённи оддий деб аташ мумкин эмас, чунки уни амалга ошириш учун маълум билим ва ҳаракатлар талаб этилади.

Саволларга жавоб берамиз

1. Нейрон тармоқлари қаерда ишлатилади?
2. Нейрон тармоқларининг қайси хусусияти машҳур қилади?
3. Нейронларнинг турлари қандай ва уларга мисол келтиринг.
4. Нейрон тармоғининг ишлаш принципи нима?

Ўйланамиз ва муҳокама қиламиз

1. Сунъий ақлни тасвири аниқлаш ёки хотира каби жараёнларга ўрганиш зарурати қандай?
2. Нейрон тармоқларининг таълим олишга қобилияти қандай?
3. Нейрон тармоғини яратишнинг ўзигина тўғри натижа олиш учун етарлими?
4. Фаоллаштириш функцияси нима учун қўлланилади?

Таҳлил қиламиз ва таққослаймиз

Инсон миясида онгсиз, сунъий интеллектда эса онгли равишда бажариладиган бир хил фаолият турларини таҳлил қилинг ва таққосланг.

Онгсиз фаолият (инсон)	Онгли фаолият (сунъий интеллект)


Дафтарда бажарамиз

Қуйидаги матн асосида сунъий нейроннинг моделини яратинг.

Ҳар бир нейрон икки хил маълумотга эга: кириш ва чиқиш. Бундай ҳолда, биринчи қатламдаги кириш маълумотлари чиқишга тенг бўлади. Бошқа ҳолларда, нейроннинг киритилиши олдинги қатламларнинг тўлиқ маълумотларини олади, кейин у меъёрга тушириш жараёнидан ўтади, яъни керакли диапазондан чиқиб кетган барча қийматлар фаоллаштириш функцияси билан ўзгартирилади.

Компьютерда бажарамиз

Видео яратиш дастуридан фойдаланиб, сунъий нейрон моделининг ишлашини намоиш қиладиган анимация яратинг.



Фикрларни баҳам кўраамиз

Мумкин бўлган қийматларни қабул қиладиган учта ёки ундан кўп кириш нейрон тармоқларининг ишлаш принципларини кўриб чиқинг. Синфдошларингиз билан фикрларингизни ўртоқлашинг.

11–12-§. Сунъий интеллектни лойиҳалаштириш. Амалий иш

Кириш усулини танлашни автоматлаштириш

Ишнинг мақсади: Нейрон олган киришларни автоматлаштириш.

1. *9-расмдагидек* Excel электрон жадвалини яратиш. Нейрон (кўк ранг) ёқилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Сумма-сининг формуласи ($=B1*B2+D1*D2$) – C3 катакчада, агар функцияси ($=ЕСЛИ(C3>=C4;1;0)$) – C5 катакчада).

	A	B	C	D	E	F	G	H
1	Кіріс	1		0		S1	S2	Күтілетін нәтиже
2	Салмақ	0,1		0,1	Ештеңе	0	0	0
3	Белсендіру		0,1		Шоколад	0	1	0
4	Шегі		1		Туз	1	0	0
5	Шығыс		0		Балмұздақ	1	1	1
6								
7	Күтілетін нәтиже					Input No		
8	Қате							
9	deltaW							
10						L rate		
11	Жаңа салмақ							

9-расм. Сунъий интеллектни лойиҳалаш учун Excel электрон жадвали

Кўк ранг билан ажратилган диапазон нейрон. Қизил – бу нейронларга кўрсатилган турли хил маҳсулотлар. Яшил ранг баъзи параметрларни кўрсатади.

F8 катакчасида биз қандай озиқ-овқат тақдим этилишини белгилайдиган формулани жойлаштирамиз. Киришлар (B1 ва D1 катакчалари) ҳар бир сатрда S1 (F1) ва S2 (G1) га мурожаат қилади 2, 3, 4 ёки 5.

F11 катакчаси ўрганиш тезлигини ўз ичига олади. Одатда бу рақам 0,01 ва 0,5 орасида. Ўқитиш тезлиги – синов ва хатолар билан танланган миқдорлар. Ўқитиш тезлиги чанғичиларнинг тезлиги билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин ва ишонч билан барқарор тезлик-яхши натижа деб айтиш мумкин. Бироқ, бу ерда ҳам муайян жиҳатлар мавжуд, чунки агар биз чанғи учувчиларга тезлик бермасак, у ҳеч қаерга бормайди ва аксинча кичик тезлик берадиган бўлсак, ҳар сафар вақти жуда узоққа чўзилиши мумкин. Шу сабабли, бу қийматларнинг барчасида нейрон тармоқларининг мос

келмаслигини олдини олиш учун ўртача талаб даражасига мослаш лозим.

Помидор ишлаб чиқарувчиларнинг ярмидан кўпи ва Исроилда пахта етиштирувчиларнинг учдан бир қисми намлик, тупроқ ҳарорати ва бошқа тупроқ хусусиятларини кузатиш учун ушбу тизимдан фойдаланилади. Экинларга эга бўлган алоҳида ўсимлик ёки майдонга бириктирилган датчик маълумотларни булут серверига жўнатади, ундан маълумотлар операторга юборилади, экранда датчик кўчатнинг ҳолатини акс эттиради ва уруғни танлаш, унинг мева хусусиятларини яхшилаш бўйича тавсиялар беради.

5. «Ақлли» фабрикалар (68-расм).

Хорижий завод эгалари харажатларни камайтириш ва саноат бизнесининг рентабеллигини оширишда IoT нинг афзалликларини англаб етдилар. Internet тармоғидан фойдаланишга қизиқиш энергетика ва енгил саноатда бор. IoT технологиялари

ёрдамида денгиз шамол генераторларининг операторлари масофадан туриб ротор ва турбиналарнинг эскиришини бошқарадилар ва уларнинг ишлаб чиқаришини кузатадилар. Ўз вақтида парваришлаш туфайли уларни тўхтатиш ҳавфи минималлаштирилади ва жамоаларни узоқ денгиз платформа-ларга юборишга ҳожат қолдирмайди. Бугунги кунда Интернет миллиардлаб sanoat ва уй-рўзғор буюмларини, одатдаги булут тизимлари орқали боғлайди.



68-расм. IoT ишлаб чиқаришда

Асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи Швейцария компанияларидан бири турли ишлаб чиқариш объектларида ўз ускуналарига техник хизмат кўрсатиш учун IoT платформаси-буюмларнинг sanoat интернетини ишлаб чиқди.

6. «Олиб юриладиган» IoT (69-расм).

Йирик IT – компаниялари буюмларнинг тиббий интернетини ривожлантиришга сармойя киритишни бошладилар. Ушбу ечимлардан бири танага тақиладиган датчик ёрдамида касалликнинг кечаю кундуз назорат қилиб, беморнинг тикланишини кузатади. Мониторинг ҳақиқий вақт режимида, касалхонада ва уйда маълумотлар тўплашдан бошлаб, маълумотларни ташриф буюрган шифокорга ва лабораторияда таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш учун юбориш билан якунланади.

Тиббиётда тиббий муассасалар доирасида ишлатиладиган дори-дармон ёки асбоб-ускуналар камайиши тўғрисида ходимларни огоҳлантирадиган лойиҳалар мавжуд.



69-расм. Кийиладиган IoT

IoT архитектураси. 16-схемада тўрт қатламдан иборат IoT архитектураси ва қатламлар орасида ишлайдиган бошқариш ва ҳавфсизлик имкониятлари тасвирланган.



16-схема. IoT архитектураси

Тармоқ қатлами иккита асосий вазифани бажаради. Тармоқ имкониятлари қурилмалар ва шлюзларнинг ўзаро таъсирига боғлиқ. Transport имкониятлари IoT хизматлари ва иловалар учун ахборот ташиш билан боғлиқ, шунингдек IoT бошқариш ва назорат ахборот сифатида.

Хизмат ва иловаларни қўллаб-қувватлаш қатлами иловалар томонидан ишлатиладиган хусусиятларни тақдим этади. Кўп турли иловалар умумий қўллаб-қувватлаш хусусиятларидан фойдаланишингиз мумкин. Масалан, умумий маълумотларни қайта ишлаш ва маълумотлар базасини бошқариш.

Дастур қатлами IoT қурилмалари билан ўзаро ишловчи барча иловалардан иборат. Бошқарув қобиляти даражаси анъанавий тармоқни бошқариш функцияларини, яъни хатоларни бошқариш, конфигурация, бухгалтерия ҳисоби, ишлаш ва ҳавфсизликни қамраб олади.

Ҳавфсизлик қобиляти қатлами иловаларга боғлиқ бўлмаган умумий ҳавфсизлик хусусиятларини ўз ичига олади.

Умумий ҳавфсизлик хусусиятларига мисол тариқасида қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

- дастур даражасида: авторизация, аутентификация, махфийлик ва дастур маълумотларининг яхлитлигини ҳимоя қилиш, махфийликни ҳимоя қилиш, ҳавфсизлик аудити ва antivirus ҳимояси;
- тармоқ даражасида: авторизация, аутентификация, фойдаланиш маълумотларининг махфийлиги ва сигнализация маълумотлари ва сигнализация маълумотларининг яхлитлигини ҳимоя қилиш;
- қурилма даражасида: аутентификация, авторизация, қурилма яхлитлигини текшириш, киришни назорат қилиш, махфийлик ва маълумотлар яхлитлигини ҳимоя қилиш.

Махсус ҳавфсизлик хусусиятлари улар мобил тўлов ҳавфсизлиги талаблари каби дастур талаблари билан чамбарчас боғлиқ.

Интернет буюмлари – бу келажакда одамлар ва қурилмалар мисли кўрилмаган даражада ўзаро таъсир қиладиган келажакдир, аммо дунёда битта тармоққа уланган жуда кўп «буюмлар» туфайли, IoT амалга оширишнинг муваффақияти ўзаро мослашувчанликни, ўзаро ишлаш қобилятини таъминлайдиган глобал стандартнинг мавжудлигига бевосита боғлиқ бўлиб, глобал миқёсдаги ҳаракатларнинг ишончилиги ва смарадорлигини таъминлайди.

Бугунги кунда IoTни ягона комплекс стандартлаштиришнинг йўқлиги унинг кенг кўламда амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи асосий муаммолардан биридир.

Буюмлар инфраструктураси интернетини ташкил этиш билан боғлиқ технологияларни стандартлаштириш бир нечта халқаро тадқиқот гуруҳлари, хусусан радио электроника ва электротехника мутахассислари ассоциацияси (IEEE SA) ва халқаро телекоммуникация Иттифоқи (ХТУ) стандартлаштириш сектори гуруҳлари томонидан олиб борилмоқда.

Бугунги кунга келиб, ХТУ интернетнинг асосий стандартларини ишлаб чиқди ва мавжуд технологияларни интернетнинг ўзига хос хусусиятлари билан қўллаш учун кўплаб масалалар кўриб чиқилмоқда. Ҳар қандай янги концепция учун одатий бўлганидек, интернетнинг стандартлаштириш жараёни тармоқ архитектурасини, «буюмлар» нинг талаблари ва имкониятларини ва уларни Интернетнинг бир-бири билан ва ташқи муҳитдаги қурилмалар ва одамлар билан бевосита мулоқот қилиш имконини берувчи махсус технологияларга қандай фойдаланишни тушунишдан иборатдир.

Ҳозирги кунда Инфокоммуникациялар соҳасида турли технологиялар стандартлаштирилмоқда, лекин замонавий ахборот жамиятида ўзаро алоқаларнинг асосий бирлиги хизматлар бўлиб, уларни тақдим этиш имконини берувчи технологиялар эмас. Масалан, электрон тиббиёт (e-health) – келажак авлоднинг боғланиш тармоғи орқали ёки буюмларнинг интернетдаги объектларнинг ўзаро таъсири ҳисобидан амалга ошириладиган хизмат.

Саволларга жавоб берамиз

1. Буюмлар интернетини нима?
2. Саноатнинг қайси соҳаларида интернет буюмларнинг саноати?
3. Буюмлар интернетини амалга ошириш учун қандай шароитлар бўлиши керак?

Ўйланамиз ва муҳокама қиламиз

1. Нима учун бугунги кунда буюмлар интернетини глобал янгиликка айланди?
2. Буюмлар интернетини нима учун керак? Мисоллар келтиринг?

1. Буюмлар интернетидан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Интернет буюмларнинг таърифи

Бир-бири билан ўзаро ишлаш учун ўрнатилган технологиялар билан жиҳозланган жисмоний объектларнинг («буюмлар») компьютер тармоғи тушунчаси ёки ташқи муҳит билан иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни қайта қуриш қобилиятига эга бўлган ҳодиса, деб ҳисоблайдиган, ҳаракатлар ва операцияларнинг бир қисмидан одамнинг иштирокини талаб этмайди.

Ўз сўзингиз билан таърифланг ...

Қисқача ўз сўзингиз билан ёзинг ...

2. Қайси далиллар глобал интернет буюмлар учун ягона стандарт зарурлигини кўрсатади? Таҳлил қилинг ва солиштиринг.

Дафтарда бажарамиз

Қуйидаги мавзулардан бирига эссе ёзинг:

1. «Мен ва интернет буюмлари».
- 2) «Интернет буюмлари сабабчи бўладиган муаммолар».

Компьютерда бажарамиз

Гуруҳдаги лойиҳа иши.

Лойиҳа ишларининг мавзулари:

1. IoT саноатда (транспорт, инфраструктура, энергетика, фабрика, логистика).
2. IoT Ақлли Шаҳар учун (шаҳарни ҳавфсиз ва қулай қилувчи, аҳолининг муаммоларини ечиб берувчи ҳамма нарса).
3. IoT Ақлли Уй учун (Smart TVни қўшганда).
4. IoT тиббиётда (инсон параметрларини олиш ва ахборотни қайта ишлашни таъминловчи ечимлар, тиббий муассасалар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш).
5. Электрон компонентлар базаси ва аппаратли IoT ечимлар (датчиклар, узатувчилар ва қабул қилувчилар,

- кириш жойлари ва маълумотларга ишлов бериш, қурилмаларнинг батарея қувватини ошириш усуллари).
6. IoT агро ва биотехнология учун (қишлоқ хўжалиги, ўсимлик ва ҳайвонларни етиштириш, об-ҳаво ва хосилни башорат қилиш).

Лойиҳанинг вазифаси:

1. Word форматида лойиҳанинг тўлиқ тавсифини тақдим қилиш керак.
2. Power Point форматида ишланган лойиҳанинг тақдимотини ҳимоялашингиз керак.

Тақдимотлар расмлар, видео, минимал матнни ўз ичига олиши керак ва автомат ўтказиш режимида намойиш қилиниши керак, намойиш вақти 5–7 дақиқадан ошмаслиги керак.

Фикрларни баҳам кўраимиз

Сиз дарсда нималарни билиб олдингиз? Нимани ўргандингиз? Фикрингиз билан дўстларингиз билан бўлишинг. Дарсда олинган билимларингизни қандай ҳаётий вазиятларда қўллашингиз мумкин? Мисоллар келтиринг.

35–36-§. Буюмлар интернетининг истиқболлари

Эса солинлар:

- буюмлар интернетни нима?
- буюмлар интернетни тамойиллари қандай?
- буюмлар интернетининг қўлланиладиган қайси соҳаларини биласиз?

Ўзлаштириладиган билим:

- буюмлар интернетини ривожлантириш истиқболлари ҳақида;
- буюмлар интернетдаги амалга ошириш муаммолари ҳақида;
- буюмлар интернетдан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида.

Луғат:

Ақлли қурилмалар – Ақылды құралдар – Умные приборы – Smart devices

Ақлли шаҳар – Ақылды қала – Умный город – Smart city

Ақлли мамлакат – Ақылды ел – Умная страна – Smart country

Ақлли сайёра – Ақылды планета – Умная планета – Smart planet

Internet of Things тизимининг пайдо бўлишидан кутилаётган натижа барча ақлли қурилмаларнинг умумий стандартлар бўйича бирлаштириш. Аслида эса, ҳамма нарса бироз мураккаброқ – ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўзининг шахсий ечимини топишга ҳаракат қилмоқда, шунинг учун турли ишлаб чиқарувчиларнинг қурилмаларини битта тармоққа бирлаштириши жуда мураккаб вазифадир. Назарий жиҳатдан нарсалар интернетини босқичма-босқич жорий қилиш ёрдамида инсондан мустақил бўлган ва ишчиларнинг доимий иштироқини талаб қилмайдиган бутунлай автоном корхоналарни ташкил қилиш эди. Ушбу тизим бутун шаҳарлар ва мамлакатларни, эҳтимол бутун сайёрани (ҳеч бўлмаганда, ер шарининг аҳоли яшайдиган қисмини) бирлаштириши мумкин.

Аммо ҳозирги вақтда тараққиёт янги технологик ёрдамчини сотиб олиш учун катта маблағ тўлашга тайёр бўлган истеъмолчининг эҳтиёж-

ларига йўналтирилган. Баъзи олимлар ҳар томонлама муносиб ривожланиш даражасига эришилмагунча тижорат туфайли ўз имкониятларини йўқотиш мумкин бўлган қудратли лойиҳанинг келажак тақдири ҳақида хавотирда. Аслида, нарсалар интернетни ҳар бир уланган қурилмани сунъий интеллектга эга автоном объектга айлантириши керак. Замонавий воқеъликда буни амалга ошириш жуда қийин кўринади, чунки барча қурилмалар учун умумий маълумотлар омборини сақлаш учун катта ҳажмли хотирага эга ҳақиқий кучли супер компьютер талаб қилинади.

IoT ни амалга ошириш масалалари

1. Муқобил (алтернатив) дастурлаш усулларини излаш зарурати асосий қийинчиликлардан бири бўлиб, бутун дунё бўйлаб

дастурчилар алтернатив усулларини излаш зарурияти мавжуд бўлиб, бутун дунё дастурчилари ҳали ҳам ечим топмадилар. Замонавий «ақлли» техника асосий мантиқий буйруқлар ва блокларга асосланган дастурлаштирилган алгоритмлар ёрдамида ишлайди. Қурилманинг бутун «онги» дастурнинг кодида жойлашган бўлиб, унда ривожланиш имконияти йўқ. Шунинг учун, қурилма ушбу алгоритмни оддий равишда бажаради ва бажариш жараёнида турли хил жавобларни олишда қатор ҳаракатлар сценарийларига эга. Ҳаракат алгоритми ва дастурда кутилмаган ҳолатлар ўртасида зиддиятлар юзага келган ҳолатларда дастур бажарилмайди ёки ундан керак натижани бермайди. Ва энг муҳими, ушбу тажрибадан керакли хулоса ола олмаслик: дастурни ушбу вазиятдан қандай чиқаришни аниқлайдиган дастурчи керак бўлади.

2. Ривожланишнинг парчаланиши иккинчи энг муҳим муаммодир. Apple, Windows, Google ва бошқа кўплаб гигант корпорациялари бир куч, бир ақл бўлиб тўпланиб, анча самарали ва юқори натижаларга эришиши имкони бор эди. Бироқ улар бир-бири билан рақобатлашар экан, ушбу корпорациялар бир-бирини эришган тараққиётини ортга тортмоқдалар. Аммо, яқкалик нуқтаи назаридан, уларнинг ҳар бири бошқаларнинг эришган натижасини олиш учун нолдан бошлаши керак.

3. Энергия таъминоти масаласи. Нарсалар интернетининг тўғри ишлаши учун, ҳатто битта бинодаги барча уланган қурилмаларнинг қувват манбаи узлуксиз бўлиши керак. Барча қурилмаларни ягона Internet of Things тармоғига улаш энергия манбаларининг кескин равишда танқислигини (камайтирилиши) келтириб чиқаради, уни олдиндан тўлдириш керак ёки алтернатив кўринишини, арзон ва ишончли энергия манбалари топиш лозим.

Ушбу муаммоларни ҳал қилмасдан «ақлли уй»дан «ақлли шаҳар», «ақлли мамлакат» ва «ақлли сайёра» босқичларига ўтиш мумкин эмас. Нарсалар интернетини бирлаштириш фойдаланувчи даромадига боғлиқ бўлмаслиги керак, аммо бундай ташаббус учун инвестор топиш қийин бўлади.

«Нарсалар интернетининг заиф томонлари ва камчиликлари

Тизим элементларининг бир-бирига боғлиқлиги

Бир элементнинг ишламай қолиши ёки бузилиши занжир реакциясини келтириб чиқаради, бунинг натижасида «нарсалар интернетини» вазифаларини нотривиал усулда ҳал қилади,

бошқа қурилмаларнинг узилишларга олиб келади. Мисол учун, «ақлли» термометрда ҳарорат сенсори ишламай қолди ва «ақлли» шкаф унинг кўрсаткичларига асосланиб, об-ҳавога мос бўлмаган кийим кийишни маслаҳат беради.

Хакер хужумларидан қўрқув

«Ақлли» уйдаги битта «ақлли» қурилманинг маълумотларини олиш имкониятига эга бўлган ҳолда, ўғри уй эгаси ҳақида деярли барча нарсани билиши мумкин.

Машиналар «исъёни» эҳтимоли

Баъзи бир ишлаб чиқарувчиларнинг фикрига кўра, агар марказий компьютерга киришни таъминлаб, машиналарни сунъий интеллект билан таъминласак, ҳеч бўлмаганда тизимда катта ҳажмдаги носозликлар, максимал даража сифатида – инсонга қарши машиналар «исъёни» бўлиши мумкин.

Тизимнинг энергия манбаларига тўлиқ боғлиқлиги

Агар инсоният эркин энергиянинг муқобил манбалари (қуёш нури, геотермал электр станциялари ва бошқалар) кўринишида мурожаат қилса ҳам, энергия манбаи ишламай қолса, тизим маълум бир ҳудудда умуман ишламай қолиши мумкин. Бундан ташқари, ақлли электроника аллақачон мавжуд бўлган бошқариладиган электромагнит майдон томонидан бузилиши мумкин.

Ҳаётни танқидий соддалаштириш туфайли инсониятнинг деградацияси

Заифликларнинг баъзиларини ҳаёлий ва фантастик деб ҳисобланиши мумкин, аммо шуни унутмаслик лозимки, яқин вақтгача нарсаларнинг интернетини ҳам имконсиз эди.

Технологиянинг ривожланиши ва ўсиши даражаси билан, имконият чегаралари ҳам ўзгаришини ҳам инобатга олиш жоиз. Вақт ва харажатларни оптималлаштирадиган нарсаларнинг интернетини бизнеснинг кўплаб соҳаларида аллақачон ажралмас бўлаги ҳисобланади. Аммо тенденция фақат ўз йўлининг бошида ва IoT концепциясининг ўзи доимий равишда такомиллаштирилмоқда. Датчиклар нархи уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва таркибий қисмларининг нархини пасайтириш ҳисобига озаяди. Ўлчамлар кичрайиши – қурилмаларнинг тобора кичикроқ бўлишига олиб келмоқда.

Қурилмаларни энергия билан таъминлаш ҳали ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, аммо шамол, ёруғлик ва тебраниш

энергиясидан фойдаланиш бу муаммони ҳал қилмоқда ва яқин келажакда IoT технологияларидан фойдаланиш мутлақо автоном жараёнга айланади. Машиналарнинг ишлаш вақти яқинлашиб келмоқда ва Интернетдан фойдаланиш уларни алоҳида тирик организм сифатида мавжуд бўладиган ягона гетероген муҳитга бирлаштиришга имкон беради.

Яқин келажакда бизларни ақлли уйлар кутмоқда, улар одамлар яқинлашганда эшикларни очиши, қулай микроклимни сақлаб туриши, музлитгични мустақил равишда тўлдириши ва агар одам касал бўлса, керакли дори-дармон буюриши мумкин, лекин бундан олдин уй ақлли билакузукдан кўрсаткичларни олади ва шифокорга юборади. Пилотсиз транспорт воситалари йўллар бўйлаб ҳаракат қилади ва йўлларда тирбандликлар (пробка) бўлмайди. Нарсалар интернетга йўлларда тирбандликлар ва тиқилиш бўлишни олдини олишга имкон берадиган янада ривожланган транспорт тизимини бошқариш имконини беради.

Ҳозир ҳам кўплаб гаджетлар турли тизимлар билан бирга-ликда ишлайди, аммо кейинги 5–10 йил ичида биз интернетнинг ривожланишида ҳақиқий портлаш содир бўлишининг гувоҳи бўламиз.

Саволларга жавоб берамиз

1. Internet of Things нинг пайдо бўлишидан кутилаётган таъсир қандай?
2. Нима учун ҳар бир интернетга уланган нарса, қурилма индивидум ҳисобланади?
3. Internet of Things нинг қандай камчиликлари бор?

Ўйланамиз ва муҳокама қиламиз

Нима учун нарсалар интернетга қўшилган ҳар бир қурилма индивидум бўлиб ҳисобланади?

Таҳлил қиламиз ва таққослаймиз

1. Қандай факт ва тушунчалар Internet of Things нинг заифлигини кўрсатмоқда?
2. Internet of Things нинг камчиликлари ва афзалликлари ҳақида нима дейиш мумкин?

Дафтарингизда Internet of Things нинг интеллект-харитасини яратинг.

Лойиҳа яратинг.

Тадқиқот лойиҳаси: «Internet of Things ва ҳаётимизга унинг таъсири қандай?»

Лойиҳанинг намунавий таркиби:

- Сарлавҳа саҳифаси;
- Мундарижа;
- Мавзунинг долзарблиги;
- Мақсадлар, вазифалар, тадқиқот усуллари;
- Нарсалар интернетининг ривожланиш тарихи;
- Биохакерлар ва тери ости чиплар;
- Электрон шифокор;
- Инсон ҳавфсизлигини таъминлаш;
- Рақамли ёрдамчи;
- Келажакка прогнозлар;
- Ўқувчиларни анкеталаштириш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- Хулоса;
- Илова (зарурат бўлса)
- Қўшимчалар.

Лойиҳа мақсади:

1. Лойиҳанинг тўлиқ таснифини Word форматида тақдим этиш керак.
2. Лойиҳани Power Pointда тақдимот шаклида ҳимоя қилиш керак.

Тақдимотда расмлар, видео, минимал матн бўлиши керак ва автоматик режимда намоиш қилиш учун тайёрланиши керак; намоиш 5–7 дақиқадан ошмаслиги керак.

Дарсда нимани билиб олдингиз? Нимани ўргандингиз? Дўстларингиз билан фикрларингизни бўлишинг. Дарсда олинган билимларни ҳаётингизда қандай қўллаш мумкин? Мисоллар келтиринг.

37–38–§. Мобил илова яратиш. Мобил илова интерфейсини яратиш

Эсга солинглар:

- буюмлар интернетни истиқболлари ҳақида;
- буюмлар интернетини жорий этиш муаммолари тўғрисида;
- буюмлар интернетидан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари қандай.

Ўзлаштириладиган билим:

- конструкторда дўстона мобил илова интерфейсини қандай яратиш мумкин.

Луғат:


Дизайн – *Дизайн – Дизайн – Design*
Интерфейс – *Интерфейс – Интерфейс – Interface*

Бошқариш элементлари – *Басқару элементтери – Элементы управления – Elements of management*

Мобил илова – *Мобильдї қосымша – Мобильное приложение – Mobile application*

Кўпгина замонавий мобил қурилмаларда сенсорли дисплейлар мавжуд. Мобил иловалар учун фойдаланувчиларга қулай интерфейсни ишлаб чиқиш жуда мураккаб жараён. Шунинг учун биз мобил илова интерфейсини ишлаб чиқиш асосларини кўриб чиқамиз.


Интерфейсларнинг визуал дизайни – бу интерфаоллик дизайни ва саноат дизайни билан биргаликда ишлатилиши керак бўлган интерфейсни яратишда жуда зарур ва бетакрор қисм. Интерфейсларнинг визуал дизайни график ва ахборот дизайнидан иборат. График ва ахборот дизайнларининг хусусиятлари *17-схемада* келтирилган.



17-схема. График ва ахборотни лойиҳалашнинг хусусиятлари

Визуал дизайнининг қурилиш интерфейси

Фойдаланувчининг интерфейсини яратишда ҳар бир элемент ёки элементлар гуруҳининг қуйидаги визуал хусусиятларини таҳлил қилинг. Фойдали ва жозибали фойдаланувчи интерфейсини яратиш учун ушбу хусусиятларнинг ҳар бири билан эҳтиёткорлик билан ишлаш лозим (18-схема).



18-схема. Визуал интерфейс дизайнининг қурилиш блоклари

Бошқарув элементлари – одамлар рақамли маҳсулотлар билан ўзаро алоқада бўлганда ўз-ўзидан бошқариш учун мавжуд объектлардир.

Ойна асбоблари (Controls/widgets windows gadgets нинг қисқа бошқарув элементлари) – бу фойдаланувчи график интерфейснинг асосий қурилиш қисмидир.

Бошқарув воситаларининг таснифи

Буйруқни бошқариш элементи

Функцияни ижро этиш

Танлаш элементлари

Маълумотни ёки созламаларни танлаш

Киритиш элементлари

Ахборотни киритиш учун мўлжалланган


Кўргазмали элементлар

Кўргазмали тўғридан-тўғри манипуляция


Илова интерфейсини яратиш учун биз MIT App Inventor (<http://ai2.appinventor.mit.edu/>) визуал ривожланиш муҳитидан фойдаланамиз.

MIT App Inventor – бу OS Android платформаси учун булутга асосланган визуал иловаларни ишлаб чиқиш муҳити бўлиб, унда Java ва Android SDK билимларни талаб қилмайди, алгоритмизация элементлар тамойилларини билишнинг ўзи кифоя. MIT App Inventor да ишлаш учун сизга Google ёки Google Apps қайдномаси (аккаунти) бўлиши керак ва дастурларни қуриш визуал режимда дастур коди блоклари ёрдамида амалга оширилади (*19-схема*).


MIT App Inventorда мобил иловани ишлаб чиқиш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич – бу «Бунинг кўриниши қандай бўлади» фойдаланувчи интерфейснинг дизайни, иккинчиси «Улар ўзини қандай тутишади» амалий компонентни дастурлаш (*70, 71-расмлар*).



19-схема. Қурилмалардан фойдаланиш



70-расм. Биринчи босқич – фойдаланувчи интерфейсини лойиҳалаштириш



71-расм. Иккинчи босқич – илова қисмларини дастурлаш

«Дизайнер» режими

«Дизайнер» режими – бу дастур интерфейси (ташқи кўриниш) яратилган режим. Ушбу режимда дастурнинг турли қисмларини танлаш ва жойлаштириш учун ишлатилади: тугмачалар, матн майдончалари, расмлар ва бошқалар, дастур ишга тушганда қурилма экранда акс этади.

Лойиҳа ишлаб чиқиш **Интерфейси** қуйидаги асосий элементлардан иборат:

Палитра таркибига бўлажак илова таркибий қисмларининг тўпламлари (гуруҳлари) акс этади. **Компонентларига** илованинг функционал элементлари тушунилади, масалан, тугмачалар, расм, матн, матн киритиш майдончалари, саналар, Android қурилмасининг турли хил сенсорларига уланиш учун интерфейслар – акселерометр, GPS, маълумотлар базаси ва бошқалар. Баъзи таркибий қисмлар график дизайннинг бир қисми, масалан, тугмачалар, баъзи қурилмалар экранда кўринмайди (таймер, сенсорлар ёки видеоплеер).

Кўриш – сизнинг иловангизнинг экранларидан бири. Иловадан турли хил ҳаракатлар амалга ошириладиган бир нечта экранлардан фойдаланишингиз мумкин. Масалан, биринчи экранда дастур учун кўрсатмалар, иккинчи экранда эса унинг функционал қисми жойлашган.


Компонентлар – бу ерда сиз ўз лойиҳангизда ишлатиладиган таркибий қисмлар рўйхатини кўрасиз.

Илованинг компонентларини номлаш

Илованинг таркибий қисмларини номлашда қуйидаги қоидалардан фойдаланиш тавсия этилади: «**компонент номи**» = «**компонентноми**» + «**ҳаракат/ Функция**», иловада қуйидагиларни бажаради: Орқага (Назад) тугмачаси, Кейинги (Далее) тугмачаси, Тасвир (Изображение), Фон ва ҳ.к. компонентларнинг бундай номланиши улар учун ҳаракатлар ёки воқеаларни дастурлашда ҳаракатланишни осонлаштиради (*72-расм*).

Хусусиятлар – экраннинг ушбу қисмида иловангизнинг таркибий қисмларининг хусусиятлари жойлашади, масалан, ранг, шрифт ўлчови, расм ва овоз манбалари, ёрлиқлар, бошланғич қиймат ва ҳ.к.

Медиа – фойдаланиладиган медиа файллар рўйхати (расмлар, видеолар, аудио клиплар ва ҳ.к.).



72-расм. «Дизайнер» режими

Илованинг экранлари

Иловалар лойиҳаси кўплаб экранлардан иборат бўлиши мумкин. «Screen» экранлари билан ишлаш учун ишлаб чиқиш ойнасида экранни қўшиш тугмачалари мавжуд – «Добавить Экран и удаления экрана». Илова билан ишлаш доим бошланғич экрандан бошланади, унинг дизайни бошқа экранларга ўтиш учун таркибий қисмларни ўз ичига олиши мумкин.

MIT App Inventor муҳитида экранлар сони 10 тадан ошмаслиги керак. 11 чи экранни яратишда экранлар сони ошиб кетганлиги ҳақида огоҳлантириш берилади.

Саволларга жавоб берамиз

1. Интерфейсларнинг қандай турларини биласиз?
2. Интерфейс дизайни нима?
3. Интерфейс дизайни қандай қурилиш блокларидан иборат?
4. Мобил иловаларни бошқаришнинг қандай воситаларини биласиз?
5. Назорат қилишнинг қандай турларини биласиз?


Ўйланамиз ва муҳокама қиламиз

1. Интерфейснинг қурилиш блокларининг қатъий сақлаш нима учун муҳим?
2. Интерфейсда маълумотларини лойиҳалашнинг таркиби қанчалик муҳим?

3. Нима учун мобил илова интерфейси фойдаланувчи учун қулай бўлиши керак?

Таҳлил қиламиз ва таққослаймиз

Интерфейснинг график ва информацион дизайни таркибини таққосланг ва уларнинг асосий хусусиятлари учун қуйидаги жадвални тўлдиринг.



Дафтарда бажарамиз

Қуйида келтирилган схемани дизайннинг қурилиш блоклари ва уларнинг асосий функциялари билан тўлдиринг.




Биринчи мобил илова

Қўшимча алгоритмни кўриб чиқайлик. Ўйин кубини ташлайдиган ва мобил қурилмани силкиганда тасодифий рақамни аралаштириб юборадиган намуна лойиҳасида яратилган.

Иловани яратиш учун зарур бўлган расмларни юклаш (<https://drive.google.com/open?id=1IwbGfljWbkEju9vlZSmpy70yoSDvtii>).


Ишлаш алгоритми:

1. Google akkaунт яратиш ёки мавжуд akkaунтдан фойдаланиш.
2. MIT App Inventor дастурлаш муҳитига <http://ai2.appinventor.mit.edu/> ҳавола орқали кириш.




Google akkaунтингизга кириш учун рухсат

3. «Условия обслуживания» ойнасида «Я принимаю условия предоставления услуг» ни танлаш.




Хизмат кўратиш ойнаси

4. «Welcome to MIT App Inventor» ойнасида «Continue» буйруғини танланг.




«App Inventor 2 га хуш келибсиз» ойнаси

5. «English» ⇒ Русский» тилни танланг.




Тилни танлаш

6. Янги лойиҳани яратиш учун Янги лойиҳани бошланг ⇒ CubeSensor (Начать новый проект ⇒ CubeSensor) буйруқларини танлаш лозим.
7. Визуал дастурлаш муҳитининг ишчи экрани қуйидагича кўринишга эга:



MIT App Inventor дастурлашнинг ишчи экрани

8. Тасвир компонентини мобил қурилманинг экранига ўтказинг, компонент хусусиятларида Тасвир ⇒ Юклаб олиш (Изображение ⇒ Загрузить) ни танланг.



Тасвир компоненти

9. Тасвир (Изображение) компоненти учун график файлни юклаб олинг.






График файлни юклаш

10. Файлни юклаш (Загрузить файл) функциясида фойдаланиб, 5 та график файлни (куб томонлари) кетма-кет юклаб олинг.




5 та график файлини кетма-кет юклар олиш

11. Тасвир 1 (Изображение 1) компонентини Кубнинг томонлар (Сторона Кубика) деб қайта номланг.




Тасвир 1 компонентининг қайта номлаш

12. Сенсорлар ⇒ Акселерометр сенсори (Сенсоры ⇒ Сенсор-Акселерометра) ни танланг ва уни мобил қурилманинг экран соҳасига ўтказинг.



Акселерометр сенсорни танлаш

13. Screen1 компонентани танланг ва унинг хоссаларини куйидагича белгиланг: Горизонтал текислаш, Вертикал текислаш, Экранда жойлашув (Выровнять по горизонтали, Выровнять по вертикали, Ориентация экрана).



Screen1 компонент хусусиятларини ўрнатиш

14. Вазифани сақланг. Келгуси мавзу билан танишгандан сўнг вазифани давом эттириш мумкин.

Фикрларни баҳам кўрамиз

1. Синфдошларингиз томонидан яратилган мобил иловалар интерфейсини кўриб чиқинг. Улар яратган интерфейсининг мақсади ва ғоясини таҳлил қилинг.
2. Мавзунинг ғоясини тушунтиринг /фикр алмашиш/.

39–40–§. Мобил иловани ишлаб чиқиш

Эсга солинглр:

- *интерфейсларнинг қандай турлари бор?*
- *интерфейс дизайни нима?*
- *интерфейс дизайнининг таркибий қисмлари нималардан иборат?*
- *назоратнинг қандай турларини биласиз?*

Луғат:

Майдон – *Өріс* – *Поле* – *Field*

Тугмача – *Батырма* – *Кнопка* – *Button*

Расм – *Сурет* – *Рисунок* – *Picture*

Чегара – *Жиек* – *Граница* – *Border*


Ўзлаштириладиган билим:

- *шартли ва циклли код ёрдамида мобил иловасини ишлаб чиқиш.*

MIT App Inventor дастурида мобил иловаларни ишлаб чиқиш 2 босқичдан иборат. Олдинги мавзуда биз биринчи босқич – фойдаланувчи интер-

фейсини лойиҳалашни кўриб чиқдик ва бу мавзуда эса мобил дастурни ишлаб чиқишнинг иккинчи босқичи-дастур компонентларини дастурлашни кўриб чиқамиз. Бунинг учун MIT App Inventor да Блоклар режимига ўтамиз.

Блоклар режими дастурингиз ва унинг таркибий қисмларининг хатти-ҳаракатларини дастурлаш учун мўлжалланган, сиз танлаган компонентлар турли фойдаланувчи ҳаракатларига қандай жавоб беради (73-расм).




73-расм. Блоклар режими

«Блоклар» режимида уч гуруҳ блоклар ишлатилади. Иловани яратишда керак бўлган асосий блоклар билан танишиб чиқамиз:

1. Киритилган блоклар

Ушбу блоклар гуруҳи яратилган компонентлар учун муайян ҳаракатлар / функцияларни ўрнатиш имконини беради (74-расм).



74-расм. Кирилган блоклар

Бошқариш блоки – ўз ичига ҳамма компонентлар учун умумий бўлган шарт, цикл, бир нечта экранлар билан ишлаш ва бошқа блокларни олган.

Мантиқ блоки – иловада ишлатиш мумкин бўлган мантиқий функцияларни ўз ичига олган.

Математика блоки – ўз ичига математик блокларни олган.

Матн блоки – ўз ичига матн блокларини олган.

Массив блоки – ўз ичига массивлар/рўйхатлар билан ишловчи блокларни олган.


Ранг блоки – ранг билан ишлайдиган блокларни ўз ичига олган.

Ўзгарувчилар – глобал ва локал ўзгарувчиларни аниқлаб, ўрнатишга имкон берадиган блоклар.

Процедуралар – илова ичида параметрли ва параметрсиз функция ва процедураларни аниқлаш блокларини ўз ичига олади.

2. Сизнинг иловангиздаги компонентлар учун ҳаракат/ воқеалар блоклари (Screen 1 гуруҳи)

Муайян дастур компонентлари учун ҳаракатларни ўрнатади. Керакли компонентни танлаганингизда, бу компонент учун мавжуд блоклар кўрсатилади (75-расм).




75-расм. Мавжуд бўлган блоклар

3. Ихтиёрий компонент

Бу гуруҳ блоклари катта миқдордаги бир хил турдаги компонентларни бошқариш имконини беради, масалан 20 та спрайт ёки 40 та тугмача.

Просмотр майдонида блоклар йиғилади (76-расм).




76-расм. Ихтиёрий компонент

«Блоклар» режимининг вазифалари

«Блоклар» режимда ишлаганда кўпинча унинг қуйидаги функциялари ишлатилади:

Блокни йиғиш/очиш

Катта дастур коди билан иловаларни яратишда блокни тиклаш функцияси экрандаги жойни оптималлаштириш учун ишлатилади (77-расм).



77-расм. Блокни йиғиш функцияси

«Блокни йиғиш» функцияси бажарилгач конструкция қўйидаги кўринишга эга бўлади:




Блокни очиш учун конструкцияга сичқончанинг ўнг тугма-часига босиб «Блокни очиш» буйруғини танлаш лозим.

Изоҳ қўшиш


Блокларни изоҳлаш ихтиёрий программани ёзганда фойдалидир. Сиз ушбу конструкциядаги ҳаракат ва воқеаларни изоҳлаб кетасиз.

Блокни ўчириш/қўшиш (78, 79-расмлар)



78-расм. Блокни ўчириш

Бу функциядан фойдаланиш тўғрилигига шубҳа қилганингизда блокларни йўқ қилмаслик учун дастурларни синаётганда фойдаланиш мумкин. Уларни йўқ қилиш ўрнига улардан фойдаланишни вақтинча ўчириб қўйишингиз мумкин.




79-рasm. Блокни қўшиш

Блокни йўқ қилиш


Блокни корзинага тортиб ўтмасдан йўқ қилиш мумкин. Бу функция коднинг исталган қисмини бажаришга имкон беради ва дастурларни текшириш учун ишлатилади. Бундай ҳолда сиз эмуляторга уланишингиз керак.

Блокларни нусхалаш


Контекст менюдан фойдаланиб, экраннинг ўзида блокларни нусхалашингиз мумкин. Бунда керакли блокнинг конструкциясида сичқончанинг ўнг «Создать копию» буйруғини танлаш керак (80–82-рasmлар).



80-рasm. Блокларни нусхалаш



81-рasm. Блокларни рюкзакка нусхалаш



82-расм. Ҳамма блокларни рюкзакка нухалаш

Саволларга жавоб берамиз

1. MIT App Inventor дастурида мобил илова яратиш неча босқичдан иборат?
2. Блоки режими нима учун керак?
3. Блоки режимида неча гуруҳлар ишлатилади?
4. Блоки режими неча функцияни ўз ичига олган?

Ўйланамиз ва муҳокама қиламиз

1. Нима учун мобил иловага текст ва графика қўшиш муҳим?
2. Нима учун Блоклар режими қўлланилади?

Таҳлил қиламиз ва таққослаймиз

Мобил иловани яратишдаги блокларни таҳлил қилинг ва солиштиринг.


Дафтарда бажарамиз

Мобил иловага матн ва графика қўшиш йўллари ёзинг.


Мобил иловага матн қўшиш	Мобил иловага графика қўшиш

Биринчи мобил иловани яратишни давом эттираемиз.


1. Ўнг томондаги Блоки режимига ўтинг ва Сенсор Акселерометра 1 ни танланг ва «когда Сенсор Акселерометра1 Вибрация» блоккни дастурнинг блоклар ойнасига тортиб олиб ўтинг. Бу блок қурилма вибрация бўлганида ишга тушади.




2. Сторона Кубика1 компонентини танлаб «присвоить Сторона Кубика 1 Изображение» блоккни дастурнинг блоклар майдонига олиб ўтинг. Бу блок мобил қурилманинг экранига тасвирни чиқаради.




3. Кубчанинг томонларининг тасвири учун (1.png, 6.png файллари) файл номи «соединить» функцияси ёрдамида яратилади: 1 дан 6 гача бўлган ихтиёрый сон (бизда кубчанинг 6 томони бўлгани учун), ва график файлни кенгайтмаси .png.




4. Математика ⇒ Случайное целое от 1 до 100 ни танлаймиз ва оралиқни 1 дан 6 гача қилиб қўямиз.



5. « » блокни танлаймиз ва кейинчалик эса 1 дан 6 гача тасодифий қиймат билан улаш учун, ичига «.png» матнини ёзамиз.



6. Screen1 компонентининг хусусиятига расмни ўрнатиб, иловани безаймиз.



Дастур тайёр, уни мобил қурилманинг ичига жойлаштириш керак. Мобил қурилманинг ичига юклашни кейинги дарсада кўриб ўтамиз.

Фикрларни баҳам кўрамиз

1. Синфдошларингиз томонидан яратилган мобил иловаларнинг интерфейсларини кўриб чиқинг. Яратилган мобил интерфейсларнинг мақсади ва ғоялари билан танишиб чиқинг.
2. Мавзунинг асосий ғоясини аниқланг.

41–42–§. Яратилган мобил иловани ўрнатиш

Эсга солинлар:

- мобил иловага фонни қандай қўшиш керак?
- мобил илованинг фонни танлаганда нимани эсда тутиш лозим?

Ўзлаштириладиган билим:

- мобил иловани қандай ўрнатиш керак;
- мобил иловани қандай синовдан ўтказиш керак.

Луғат:

Тузатиш – Түзету – Отладка – Debugging

Синаш – Тестилеу – Тестирование – Testing

Дастлабки код – Бастапқы код – Исходный код – Source code

Бажарувчи файл – Орындалатын файл – Исполняемый файл – Executable file

Иловани ишлаб чиқариш MIT App Inventor булутли муҳитда амалга оширилади. Тестлаш ва созлаш мобил қурилманинг ўзида амалга оширилади. Ишлаб чиқиш учун шахсий компьютер ва ноутбукни ишлатиш, синовдан ўтказиш ва созлаш учун мобил қурилма да ўрнатилган MIT App Inventor Companion иловасидан фойдаланиш тавсия этилади, бу унга ўзингиз ўрнатган мобил дастурнинг QR-кодини ўқиш имкониятини беради.

Иловани қурилмага юклаш йўллари:

* бошланғич кодда (.aia кенгайтмали файл)

.aia кенгайтмали бошланғич файл иловани таҳрирлашга имкон беради. Бошланғич код лойиҳанинг варағидаги Лойиҳалар ⇒ Экспорт танланган лойиҳалар (.aia) (Проекты ⇒ Экспор-

тировать) меню орқали генерация қилинади.

* ижро этувчи файл кўринишида (.apk кенгайтмали файл)

.apk кенгайтмали файл иловада App Inventor дастурининг менюсида Построить ⇒ Приложение (.apk ни компьютерга сақлаш). .apk файли ижро этувчи илова бўлиб, қурилмада ишлайди.



* илованинг QR-коди кўринишида


Менюдаги Построить ⇒ Приложение (.apk ни юклаш учун QRкод яратиш) буйруғи ёрдамида амалга оширилади.

QR-кодни ўқиш ва дастурни мобил қурилмага ўрнатиш учун Google Play дан MIT AI2 Companion App иловасини мобил қурилмага ўрнатишингиз керак.

.ark дастурларингизни мобил қурилмага ўрнатишда номаълум манбалардан дастурларни ўрнатишни деганни ёқиш керак (Настройки ⇒ Приложения ⇒ Неизвестные ис точники).


Агар OS Android ва Wi-Fi уланиши билан мобил қурилма бўлса:

1. Мобил қурилмага Google Play дўконидан MIT AI2 Companion App иловасини юклаб олинг ва ўрнатиш (83-расм).



83-расм. MIT AI2 Companion App иловаси

2. Ўзингиз ишлаётган компьютерни ва мобил қурилмани Интернетга уланган тармоққа, масалан, WiFi га уланг.
3. Компьютерда текшириш керак бўлган лойиҳангизни очинг ва Подключиться ⇒ Помощник AI буйруғини менюдан танланг (84-расм).



84-расм. Менюдан Помощник AI ни танланг

4. Экранда сизнинг иловангизни QR-коди чиқади (85-расм).



85-расм. Сизнинг иловангизнинг QR-коди

5. Қурилмангизда MIT Ai2 Companion ни ишга туширинг ва Scan QR code тугмачасини босинг. Бир неча дақиқадан кейин илова қурилмангизда пайдо бўлади (86-расм).



86-расм. Қурилмада MIT Ai2 Companion ни ишга тушириш

Агар OS Android ли қурилма йўқ бўлса:


1. Махсус дастурли таъминот App Inventor Setup Software ни юклаш ва ишга тушириш.
2. aiStarter (фақат Windows & GNU/Linux учун)ни ишга тушириш.
3. Агар қуйидаги кўринишда ойна пайдо бўлса, aiStarter муваффақиятли ишга тушган бўлади (87-расм):





87-расм. aiStarter ни ишга қўшиши ойнаси

4. MiT App Inventor иловасининг ойнасига ўтиш ва менюдан Подключиться ⇒ Эмулятор ни танлаш керак (88-расм).



88-расм. Эмуляторни танлаш

5. Эмуляторнинг ойнаси қуйидаги кўринишга эга (89-расм):




89-расм. Эмулятор ойнаси

Агар сиз USB-кабелдан фойдалансангиз:

1. USB дан фойдаланиш учун қурилмани тайёрланг (USB дан созлашни қўшиш).

2. Android қурилмасида Настройки системы ⇒ Для разработчиков менюсига ўтиш ва Отладка по USB бўйруғини танлаш лозим (90-расм).



90-расм. USB бўйича йўлни таъмирлаш

3. Android 3.2 бошқаруви остида ишлайдиган кўпгина қурилмаларда, Настройки ⇒ Приложения ⇒ Разработка бўйруғини танлаш.
4. Android 4.0 ва ундан янгироқларида эса– Настройки ⇒ Функции для разработчиков ни танлаш керак. Android 4.2 ва ундан юқориларида Функция для разработчиков сукут бўйича бекитилган. Бу функцияни қўшиш учун Настройки ⇒ О телефоне га ўтиб, Номер сборки га етти марта босиш керак. Энди эса олдинги ойнага қайтиб Для разработчиков менюсини ва жумладан «USB Debugging» топиш керак. Мобил қурилмани компьютерга улаш керак

Саволларга жавоб берамиз

1. Ишлаб чиқилган мобил дастур қандай ўрнатилади?
2. Ўрнатилган мобил иловани қандай синаб кўриш мумкин?

Ўйланамиз ва муҳокама қиламиз

1. Нима учун MIT App Inventor Companion иловасини мобил қурилмага олдиндан ўрнатиш керак?
2. Нима учун мобил иловаларни синовдан ўтказиш муҳимдир?

Таҳлил қиламиз ва таққослаймиз

1. Ишлаб чиқилган мобил илованинг ўрнатиш жараёнини таҳлил қилинг.
2. Мобил иловани синов қилиш жараёнини таҳлил қилинг.

Дафтарда бажарамиз


Мобил қурилмага мобил иловани ўрнатиш алгоритмини дафтарга ёзинг.

Мобил иловани ўрнатиш

1-ҳаракат	
2-ҳаракат	
3-ҳаракат	
...	

Компьютерда бажарамиз

1. Android қурилмасини компьютерга USB кабел ёрдамида уланг, қурилма «медиа қурилма» кўринишида эмас, «сақлаш қурилмаси» сифатида қўшилаётганига ишонч ҳосил қилинг.



Қурилмани «сақлаш қурилмаси» сифатида улаш


2. Android 4.2.2 да ва ундан юқори версияларида дастлаб қўшилганда Разрешить USB отладку деган ойнача пайдо

бўлади, компьютерга қўшилиш учун «ОК» тугмачасини босинг.

3. Уланишни текширинг. Компьютерингиз мобил қурилмага уланганлигига ишонч ҳосил қилинг.
4. Компьютерингизда сақланган .арк файлидан мобил қурилмага нусха кўчиринг.
5. Мобил қурилмага .арк файлини кўчириш.
6. Мобил қурилмага кўчирилган .арк илованинг файли қурилманинг Download каталогига сақланган. Унга йўлни «файловый менеджер» ёрдамида олиш мумкин. Битта илованинг OS Android нинг турли версияларига ҳар хил нусхаларда ёзилиши мумкин. Янги дастур эски дастур ўрнига ёки ўзгартирилган ном билан янги версия сифатида ўрнатилиши мумкин. Download каталогидан эски нусхаларни ўчириб туришни тавсия қиламиз.

Дастурнинг QR-кодини олиш

1. Бунинг учун Построить ⇒ Приложение ни босиш керак (QR-кодни .арк юклаш учун яратиш).



QR-кодни .арк юклаш учун яратиш

2. Мобил қурилмада MIT AI2 Companion App ни ишга тушириб, илованинг QR-кодини сканерлаш.



QR кодини сканерлаш

3. Мобил қурилмага иловани ўрнатинг.
4. Ўрнатилгач, иш столидаги ёрлиқ орқали иловани очиш.

Фикрларни баҳам кўрамыз

Синфдошларингиз томонидан яратилган мобил иловаларнинг интерфейсларини кўриб чиқинг. Мобил қурилмаларга иловаларни ўрнатиш ва синаш пайтида қандай қийинчиликларга дуч келганингиз ҳақида муҳокама қилинг.

Қундалик ҳаётингизда яратилган мобил қўшимчани ўрнатишни билиш қанчалик муҳим?

43–44-§. «Расм чизиш» иловаси. Амалиёт

Топшириқ. Фойдаланувчиларга экранда чизиш имконини берувчи илова яратиш.

Компонентлар:


Тугмача

Чизиш учун қоғоз


А даража

1-топшириқ. «Расм чизиш» иловасининг дизайнини ишлаб чиқиш.

Иловалар дизайнини ишлаб чиқиш ҳар бир экран учун, фойдаланувчи интерфейси учун, фойдаланувчи интерфейси ёрлиқларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Ҳар бир яратиладиган экраннинг устига жойлаштирилган компонент эскизига изоҳ бериш тавсия этилади (91, 92-расмлар).



91-расм. Screen1



92-расм. Компонентлар

2-топшириқ. Илованинг таркибий қисми учун ҳаракатларни лойиҳалаш.

Илованинг фойдаланувчи нуқтаи назаридан қандай ишлашини тушунтиринг. Агар фойдаланувчи экранга тегса нима бўлади? Дастурда қайси таркибий қисмлар бор?

кўринадиган

кўринмайдиган

Кўриниш: мобил қурилмада кўрганда бу компонентлар қандай намоён бўлади?

Мультимедиа: Дастурда қандай мультимедиа файлларидан фойдаланилади?


Дастур компонентларининг ҳар бири учун белгиланган хоссаларни аниқланг. Иловаларни режалаштиришда дастурда қўлланиладиган компонентлар, хоссалар, ҳодисалар ёки амалларни белгиланган жадвални яратишни тавсия этамиз.



Компонент	Ҳаракати	Компонентлар панелида қандай номланади	Хусусияти	Нима қилади?
Тугмача	Экранни тозалаш	Далее тугмачаси	Фон ранги: Оч кулранг Кенглиги – 80 пиксель Бўйи 50 пиксель	Босилганида рангни ўзгартиради

В даража

1-топшириқ. MIT App Inventor иловасининг муҳитида дастурлаш

MIT App Inventor муҳитида янги лойиҳа яратиш. «Дизайн» режимида илованинг дизайнини яратинг ва ҳар бир блокнинг ишини «Блоки» режимида дастурланг (*93-расм*).





93-расм. Блоклар

2-топшириқ. Иловани синовдан ўтказиш

Имкони бўлса ҳар хил экранли қурилмаларда илованинг қандай ишлашини текширинг. Ўз иловангизнинг қисқача таърифини ёзинг.

С даража

1-топшириқ. Иловани баҳолаш

Баҳолаш варағи асосида иловани баҳолаш.

Илованинг номи	Баллда баҳолаш (1, 2, 3)	Изоҳлар
Ғоя	Оддий	
Илова дизайни	2	
Дастурлаш	2	
Киритиш	2	
Синовдан ўтказиш	2	
Қисқача таърифи	2	

2-топшириқ. Иловани безаш

Ёрлиқнинг ва экран сақлагичини лойиҳаланг, ва дастур ишга тушгандаги овоз дастурини яратинг.

45–46–§. «Миллий муסיқа асбоблари» иловаси. Амалиёт

Мақсади: Миллий муסיқа асбобининг расми босилганда мазкур аудиофайл ўйнайдиган иловани яратиш.

Компонентлар:

Тугмача

Расм

Товуш


А даража

1-топшириқ. Таҳлил

Илованинг бир нечта кўринишини таклиф қилинг. Ким бу иловалардан фойдаланиши мумкин, у ким учун яратилгани ҳақида мулоҳаза юритинг. У қаерда ишлатилиши мумкин? Илованинг таърифини, илова ишга тушганда бажарадиган ишини қисқача ёзинг.

2-топшириқ. Илова дизайнини ишлаб чиқиш

Дизайнни ишлаб чиқиш, ҳар бир фойдаланувчи экрани учун эскизни ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Экраннинг эскизида унда жойлашган ҳар бир компонентнинг иши ёзиб қўйилиши мақсадга мувофиқ.



В даража

1-топшириқ. Илова компонентларини лойиҳалаш

Фойдаланувчи нуқтаи назаридан илованинг ишини тушунтириб беринг. Фойдаланувчи экранга текканда нима содир бўлади?

Тасвир (Тугмачага)га босилганда овоз файли ўйналади.

Қандай компонентлар дастурда бор, сананг.

Кўринадиган

Тугмача 1

Тугмача 2

...

Ёзув 1 ...

кўринмайдиган

Овоз 1 ...

Қўшимчада қандай компонентлар бор?

кўринадиган

кўринмайдиган

Кўриниши: бу компонентлар мобил қурилмада қандай тас-
вирланади?

Ёзув ва тугмача тасвири илова ишга тушгандагина кўрилади.

Мультимедиа. Дастурда қандай мультимедиа файлларидан
фойдаланилган?


Овоз файли .mp3.

Дастур компонентлари учун қандай хусусиятлар берилган-
лигини кўриб чиқинг?

Компонент	Компонент тури (кўринадиган / кўринмайдиган)	Компонент қандай номланади?	Хусусияти	Воқеа	Ҳодиса
Screen1 экрани	кўринадиган	Сукут бўйича Screen1	Марказ бўйича текислаш		
Ёзув 1	кўринадиган	Ёзиш сарлавҳа- лари	Шрифт катталиги – 40 рх, ранги – бинафшаранг		
Тугмача 1	кўринадиган	Расм тугмаси	Шрифт катталиги – 16 рх, ранги – кўк	Тугма- чанинг босиш	Аудио- файлни ижро этиш
Тугмача 2	кўринадиган	Расм тугмаси	Фон ранги: оч кулранг кенглиги – 300 пиксель баладлиги – 200 пиксель Тасвир Dance.jpeg	Тугма- чанинг босиш	Аудио- файлни ижро этиш
Овоз 1	кўрин- май- диган	Домбра овози	Файл манбаи – ҳар қандай audio файл. mp3 форма- тида		Чақи- рилганда ижро этилади

2-топшириқ. MIT App Inventor муҳитида иловани дастурлаш

MIT App Inventor муҳитида янги лойиҳа яратинг. «Дизайн» режимида илованинг дизайнини яратинг ва ҳар бир блокнинг ишини «Блоки» режимида дастурланг (94-расм).



94-расм. «Блоклар» режими

С даража

1-топшириқ. Иловани синовдан ўтказиш

Иложи бўлса ҳар хил экранли қурилмаларда илованинг қандай ишлашини текширинг. Ўз иловангизнинг қисқача таърифини ёзинг.

2-топшириқ. Иловани баҳолаш

Баҳолаш варағи асосида иловани баҳоланг.

Илованинг номи	Баллда баҳолаш (1, 2, 3)	Изоҳлар
Ғоя	Оддий	
Илова дизайни	2	
Дастурлаш	2	
Киритиш	2	
Синовдан ўтказиш	2	
Қисқача таърифи	2	

3-топшириқ. Иловани безаш

Ёрлиқнинг ва экран сақлагичини лойиҳаланг, ва дастур ишга тушгандаги овоз дастурини яратинг ва унга саундтрек ёзинг.

47–48-§. Ақлли уй

Эса солингар:

- конструкторда мобил илованинг интерфейсини яратиш дегани нима?
- шартли ва циклли блоктардан фойдаланиб мобил иловани ишлаб чиқиш дегани нима?
- мобил иловани ўрнатиш деган нима.

Ўзлаштириладиган билим:

- ақлли уйнинг датчиклари орқали маълумотларни узатишни;
- ақлли уйнинг датчикларидан олинган маълумотлар олиш учун дастур яратишни.



автоматлаштиришни эса барча муҳандислик тизимлари ва электр қурилмаларининг иш режимларини ўрнатиб ва назорат қилишни ташқи параметрларга мос равишда ўрнатади.

Ақлли уйнинг ўзи бино ичида одамнинг истакларига мувофиқ барча тизимларни, сутканинг вақтига, уйда унинг ҳолатига, об-ҳаво ва ташқи ёритишга мос қулай ҳолатини таъминлаш учун ишлашини ташкил қилади.

Ақлли уй яратиш, ақлли қурилмаларнинг мавжудлигини талаб қилади.

IoT технологияси («Internet of things») ақлли уй (буюмлар) нинг ҳар бир элементини ва бутун ақлли уйни Интернетга кириш ва бошқа буюмлар ва тизимлар билан ахборот алмашиш имкониятини беради.

Назоратчилар (контроллер) ёки платага асосланган ақлли уй учун «буюмлар Интернет» тўплами, «буюмлар Интернет» технологияси ёрдамида ақлли уй элементларини яратишга имкон беради.

Луғат:

Ақлли уй – Ақылды үй – Умный дом – Smart house

Контроллер – Контроллер – Контроллер – Controller

Электрон конструктор – Электронды құрастырғыш – Электронный конструктор – Electronic designer

Плата – Тақша – Плата – Board

Қабул қилгич – Қабылдағыш – Приемник – Receiver

Ақлли уй – бу турли хил юқори технологияли қурилмалардан фойдаланадиган одамларнинг қулайлиги учун ташкил этилган тураржой биноси.

Ақлли уй бинода содир бўладиган ўзига хос вазиятларни тушунадди ва аллақачон ишлаб чиқилган алгоритмлар асосида уларга мос равишда муносабат билдиради.

Шу билан бирга одам исталган муҳитни битта буйруқ билан,

Ҳар қандай «ақлли» тизимнинг энг муҳим таркибий қисми унинг назоратчиси (контроллери) бўлиб, у ахборот олиш ва «ақлли» уйни бошқариш учун мўлжалланган.

